

Маҳалла

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ,
МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТА

#6 (2092) | ШАНБА, 11 ФЕВРАЛЬ 2023 ЙИЛ

WWW.XOLISNAZAR.UZ

@XOLIS_NAZAR

@XOLISNAZAR



2-
саҳифада.

ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРИМЕНТ ҚАНДАЙ СИНОВДАН ЎТКАЗИЛМОҚДА?

«Маҳалла бюджети» орқали шакллантирилган маблағлар фуқаролар кенгаши томонидан бошқарилади. Таклиф этилаётган ва амалга оширилган тадбирлар мол-мулк ва ер солиғи бўйича маълумотлар «Очиқ бюджет» ахборот порталига жойлаштириб борилади.

6

ФАОЛЛАР ФИДОЙИ БЎЛСА, ТАШАББУСЛАР ЕРДА ҚОЛМАЙДИ

Маҳалланинг ихтисослашувидан келиб чиқиб, 156 нафар фуқаро доимий ишга жойлаштирилди. 86 нафари ўзини ўзи банд қилган бўлса, умумий қиймати 800 миллион сўмлик 4 та микролойиҳа ишга туширилиши ҳисобига яна 10 нафар фуқаро ишли бўлди.

7

ҲАЕТБАХШ ДАСТУР ТУРМУШНИ БАДАСТИР ЭТЯПТИ

Электр токидаги ўзилишлар тўғрисида фарзандларини шам ёруғида дарс қилдириб, тонгда уларни баланд кўнжли этикларда мактабга олиб бориш одатий ҳол эди. Ёмғир ёғса, одамлар ҳаракатлана олмай қоладиган маҳалла кўчалари уларнинг тинка-мадорини қуритгани...

8

«ДРАЙВЕР» СОҲАЛАР МАҲАЛЛАГА БАРАКА КИРИТЯПТИ

Ишсизликни бартараф этиш учун маҳалланинг «ўсиш нуқтаси» сифатида савдо ва хизмат кўрсатиш соҳалари танланган. Шу йўналишдаги ҳаракатлар натижасида қўшимча иш ўринлари яратилди. 2022 йилда жами 221 нафар ишсиз аҳолининг бандлиги таъминланди.

11



Маҳаллаларга 1 миллиард сўм қўшимча маблағ ажратилади

ҚИШ-ҚИРОНЛИ КУНЛАРДА ОДАМЛАРДАН ҲОЛ-АҲВОЛ СЎРАБ, ДАВЛАТ РАҲБАРИНИНГ ЎЗИ
ТАШРИФ БУЮРГАНИ, МУАММОЛАР ЕЧИМИ БЎЙИЧА КУТИЛГАН ВА КУТИЛМАГАН ТАШАББУСЛАРНИ ИЛГАРИ СУРГАНИ
ХАЛҚИМИЗНИ РУҲЛАНТИРИБ ЮБОРДИ

Президент қайси ҳудудга ташриф буюрса, албатта, ўша жойнинг нурунийлари, маҳалла фаоллари билан суҳбатлашади, уларни ўйлантираётган масалаларга қўлоқ тутлади. Очиги, давлатимиз раҳбарининг маҳалламизга ташрифини анчадан буён кутаётгандик. Боиси бу ердаги ўзгаришлар, бунёдкорлик билан таништириш, маҳалладошларимизнинг дил сўзларини, ҳаётидан розилик ифодасини Президентга етказиш орзусида эдик. Ниятимиз холис экан, кун кеча Шавкат Мирзиёев Сергели туманига ташрифи чоғида маҳалламизда меҳмон бўлди.

Маҳалламизда 26 та кўп қаватли уй бор, 6 мингдан зиёд аҳоли яшайди. Аҳоли билан мулоқотда аномал совуқ кунлари халқимизнинг ва давлат идоралари хизматчиларининг бирлиги билан қийинчилик ортда қолдирилгани таъкидланди. Хусусан, энергетика ва коммунал хизматлар 24 соат давомида ишлади, тезкор чоралар кўриб борилди. Маҳалла фаоллари ҳам туну кун навбатчилик асосида фуқаролар мурожаатларини қабул қилди ва ечимига киришди. Бу жараёнда маҳалладаги трансформатор ҳам янгиланди.

Давлат раҳбари мулоқотда маҳаллалардаги устувор вазифа — аҳоли бандлиги ва ёшлар тарбияси эканини қайд этди. Шу боис бу йил юртимизда Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили» деб эълон қилинди. Ўқувчилар мактабда иккита хорижий тил ва битта касб ўрганиб чиқиши учун шароит яратилмоқда. Халқимиз бу ҳаракатни қўллаб-қувватламоқда. Биз, маҳалла фоллари ҳам бу жараёнда Президентга камарбастамиз. Маҳалла — оила — таълим муассасаси» ҳамкорлигида ҳар бир ўқувчининг тарбияси, ўқиши, оиласидаги муҳитидан

хабардор бўлиб бораемиз.

Ташриф доирасида ўтказилган йиғилишда пойтахтда камида 2 минг мегаваттга яқин қувватли қуёш панелларини маҳаллалардаги кўп қаватли уйлар, ижтимоий объектлар ва бошқа биноларнинг том қисми, саноат зоналари, автотураргоҳ ва йирик сув иншоотлари ҳудудига ўрнатиш мумкинлиги қайд этилди. Панель ўрнатган тадбиркорлар ишлаб чиқарган электрни давлат кафолатли сотиб олиши, кейинги йилдан бошқа истеъмолчиларга ҳам сотиши мумкин. Аҳоли ўз хонадонидан панель ўрнатса, эҳтиёждан ортиқ тармоққа сотган ҳар бир киловатт электр энергияси 1 минг сўмдан сотиб олинади (ҳозирги тариф 295 сўм). Ҳар ойда ҳисоб-китоб қилиб, маблағлар хонадон эгасининг пластик картасига ўтказиб берилади.

Бандлик масаласида сўз борар экан, жорий йилда хизматлар соҳасини ривожлантириш учун 20 триллион сўм кредит

йўналтирилади, оилавий тадбиркорлик учун 300 миллиард сўм имтиёзли кредитлар ажратилади. Хусусан, йил якунига қадар маҳаллаларда 7 мингта савдо-сервис объектлари ишга туширилади. Айни йўналишда бизнинг маҳалламизда ҳам ташаббускорлар рўйхати шакллантирилган бўлиб, уларга фаолиятини йўлга қўйиш, кредит олишда кўмаклашамиз.

Энг муҳим жиҳат — 2023 йилда маҳаллаларда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини яхшилаш учун Тошкент шаҳрига 1,4 триллион сўм маблағ йўналтирилмоқда. Шунингдек, Очiq бюджет» доирасида маҳаллалар инфратузилмасига 573 миллиард сўм ажратилади. Фақат бугина эмас. Президент маҳаллаларни ободонлаштириш, тармоқлар, йўллар, сув иншоотларини таъмирлаш ишларига яна қўшимча маблағ йўналтирилишини таъкидлади. Бу борадаги ишлар узоққа чўзилмади.

2023 йил 9 февраль сана-

сида Тошкент шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий вазифаларини жадал суръатларда ҳал этиш ҳамда аҳоли фаровонлигини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди. Унга мувофиқ, маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш, ҳаво ҳарорати кескин совиб кетиши даврида талафот кўрган маҳаллалардаги ички йўллар, пиёдалар йўлакларини, муҳандислик-коммуникация объектларини таъмирлаш ва ободонлаштириш учун пойтахт ҳокимлигига 584 миллиард сўм миқдорида фойзсиз кредит ажратилади. Мазкур маблағ Тошкент шаҳрининг 584 та маҳалласининг ҳар бирига 1 миллиард сўмдан йўналтирилади. Натижада бу орқали нафақат шу вақтгача режалаштирган ишларимиз амалга ошади, балки аномал совуқда зарар етган иморатлар тартибга келтирилади, коммунал соҳалар яхшиланади, йўллар таъмирланади.

Умуман олганда, Президентнинг маҳалламизга ташрифи аҳолини руҳлантириб юборди. Айниқса, қиш-қиронли кунларда одамлардан ҳол-аҳвол сўраб, давлат раҳбарининг ўзи ташриф буюргани, муаммолар ечими бўйича кутилган ва кутилмаган ташаббусларни илгари сургани, маҳаллалардаги жараёнлар у кишининг доимий диққат-марказида экани халқимизга куч бағишлади.

Бундай ишончга, эътиборга муносиб бўлиш, халқ дарди билан яшаш ва ишлаш ҳар бир маҳалла ходимининг ҳам бурчидир. Буни тўғри англаган ҳолда, маҳалладаги бешлик» — раис, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, профилактика инспектори иш фаолиятимизни янада жонлантираемиз, ҳар бир оилани ич-ичидан билишга, уларни қандай муаммолар қийнаётгани ва уларнинг ечимини қисқа фурсатда топишга интиламиз.

Бахтиёр ЙЎЛДОШЕВ,
Сергели туманидаги
«Эзгулик» маҳалла
фуқаролар йиғини раиси.

МАҲАЛЛАДА НИМАГАН?

Ёшлар билан ишлашда янги тажриба

Нукус шаҳрида ёшларнинг муаммолари, таклиф ва истакларини ўрганиш ҳамда уларни ҳал этиш борасида ўтган 2022 йил давомида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Энг аввало, ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини аниқлаш ва бартараф этишга қаратилган Нукус шаҳар тажрибаси» яратилди.

Ёшлар етакчилари билан биргаликда ҳудуддаги 64 та маҳаллада уйма-уй хатлов ишлари амалга оширилиб, 14-30 ёшдаги 74 минг 683 нафар ёшнинг рўйхати тўлиқ шакллантирилди. Ушбу ёшлар орасидан ишсиз ва ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган фуқаролар 19 та кўмак тури бўйича Ёшлар дафтари» электрон платформасига киритилди.

Шаҳар ҳудудидан жойлашган Оқ жағис» маҳалла фуқаролар йиғинида 6 минг 145 нафар аҳоли яшайди. Улардан 1 минг 232 нафари ёшлар. Маҳалладаги ёрдамга муҳтож ёшларга зарур ёрдам кўрсатиш доимий эътиборда.

— 2022 йилда ҳудудимиздаги 28 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшга бир марталик ёрдам пули, 40 нафар ўқувчини мактаб формаси ва ўқув қуроллари билан таъминлаш, 60 нафар талабанинг

шартнома тўловини тўлаш, 59 нафар ишсиз ёшнинг бандлигини таъминлаш учун меҳнат қуроллари ажратиш, 33 нафар ёшнинг сафарбарлик қақуруви резервидаги хизмати бадалини тўлиқ қоплаш, 4 нафар ёшнинг ҳайдовчилик курсида ўқитишга субсидия маблағлари ажратилди, — дейди маҳалланинг ёшлар етакчиси Бекпўлат Хўжаниёзов. — Шу билан бирга, 2 нафар ёшга тиббиёт муассасаларида даволаниши учун моддий ёрдам кўрсатилди ва 8 нафар ёшнинг тадбиркорлик билан шуғулланиши учун банк томонидан 33 миллионгача бўлган имтиёзли кредит маблағлари ажратилди.

Шунингдек, маҳаллада ёшларни бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, спорт машғулотларига жалб этиш мақсадида иккита мини футбол ва учта воркаут майдончалари ташкил этилган.

ДАВЛАТ ДАСТУРИ

2023 йилда
маҳалла тизимида
қандай ўзгаришлар
бўлади?«РАҚАМЛИ МАҲАЛЛА» МАРКАЗИ
ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Давлат дастури лойиҳасига кўра, фуқароларнинг ўз маҳалласи ҳаётидаги иштирокини кучайтириш ҳамда давлат органлари ва маҳаллалар ўртасида тўғридан-тўғри алоқаларни йўлга қўйиш мақсадида «Рақамли – маҳалла» маркази ташкил этилиб, «Ижтимоий маҳалла» ахборот тизими жорий этилади. Бунда маҳалладаги муаммо ва камчиликларни «хонадонбай» ўрганиш бўйича сўровномаларни ўтказиш натижалари, «Темир дафтар», «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари»дагиларга кўрсатилган ёрдам ҳақидаги маълумотлар ахборот тизимига киритиб борилади. Маҳаллаларнинг ҳудуди, майдони, инфратузилмаси, чегараси акс этган харитаси, хонадонларнинг жойлашуви, рақамлари ва кўча номларининг ягона базаси юритилади.

ТИЗИМГА ОИД МАСАЛАЛАР
МАҲАЛЛА БИЛАН КЕЛИШИЛАДИ

Жойларда ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишда маҳаллалар ролини ошириш мақсадида маҳаллаларга тегишли ҳудуддаги туман (шаҳар) маҳаллий Кенгашлари сессиялари кун тартибига кўриб чиқиш учун таклиф киритиш, Кенгашларнинг қарорлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва муҳокама қилишда иштирок этиш ҳуқуқи тақдим этилади. Маҳалла ваколатларига оид масалалар юзасидан Кенгашлар ҳамда ҳокимлар томонидан қабул қилинадиган қарор лойиҳаларини маҳалла билан келишиш тартиби жорий этилади. Ҳар бир маҳалланинг «ўсиш нуқталари» ва уларда яшовчи аҳолининг эҳтиёжидан келиб чиқиб, маҳаллани молиявий мустақиллигини кучайтириш мақсадида маҳаллалар қосида тадбиркорлик субъектлари ташкил этилади.

2 327 ТА МАҲАЛЛАГА
БИНО ҚУРИБ БЕРИЛАДИ

Маҳаллаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича 2023 йилга мўлжалланган манзилли дастур ишлаб чиқилади. Бунда хизмат биносида муаммоси бўлган 2 327 та маҳалла учун хизмат биноларини қуриш, жиҳозлаш, замонавий ахборот технологиялари билан таъминлаш кўзда тутилган.

Маҳалла институтини ривожлантириш соҳасида амалга оширилаётган илоҳотларнинг мазмун-моҳиятини, унинг жамият ҳаётида тутган ўрнини халқаро ҳамжамиятга етказиш мақсадида АҚШ, Германия, Франция, Бельгия, Хитой, Япония, Жанубий Корея, Туркия каби давлатларда эксперт-таҳлилий доиралар учун учрашувлар ўтказилади. «Маҳалла

институтининг Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини қарор топишидаги ўрни ва роли: кеча, бугун ва эрта» мавзусида илмий-амалий конференция ҳамда мамлакатимизда юқори даражадаги Халқаро форум ўтказилади.

«МАҲАЛЛА БЮДЖЕТИ» ТИЗИМИ
ТЎЛИҚ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Президент фармони лойиҳасига кўра, 2023 йилда жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган лойиҳаларни молиялаштириш учун Давлат бюджетидан 8 трлн. сўм, шундан «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари учун 4 трлн. сўм йўналтирилади. Шу билан бирга, маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш бўйича лойиҳалар дастурлари доирасида амалга ошириладиган тадбирларни молиялаштириш учун 4 трлн. сўм ажратилади. Натижада, мазкур тадбирларга ажратилаётган маблағлар миқдори қарийб 2 баравар кўпайтирилишига эришилади. Масалан, 2022 йилда ушбу тадбирлар учун 4,3 трлн. сўм маблағ ажратилди.

2024 йил учун ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастуридан бошлаб, давлат органлари томонидан таклиф этилган ижтимоий ҳамда муҳандислик инфратузилма объектларини ушбу дастурга «Очиқ бюджет» порталида овоз бериш жараёнида тўпланган овозлар сонига кўра киритишни амалга ошириш амалиёти жорий этилади. Натижада «Ташаббусли бюджет» жараёни орқали тақсимланадиган маблағлар миқдори 8 трлн. сўмдан 23 трлн. сўмга (+15 трлн сўм) етади.

2023 йил 1 июлдан бошлаб, «Маҳалла бюджети» тизимини барча туманлар ва шаҳарларда жорий этиш орқали маҳаллаларга ўз муаммосини мустақил ҳал этиш ҳамда ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш учун 800 млрд. сўмгача маблағ йўналтирилади. Жорий йилдан эксперимент тариқасида 14 та туманларда, 1 июлдан эса барча туман (шаҳар) ларда «Маҳалла бюджети» тизими жорий этилади.

Лойиҳаларни жамоатчилик фикри ва «Очиқ бюджет» порталида тўпланган овозлар асосида молиялаштиришнинг мутлақо янги тизими амалиётга киритилади. Бунда овоз бериш жараёнларини ҳолис ва маъмурий аралашувларсиз ташкиллаштиришнинг аниқ механизмларини жорий қилишга алоҳида эътибор қаратилади.

ИККИ БАРОБАР КЎПРОҚ
УЙ ҚУРИЛАДИ

2023 йилда 53 та «Янги Ўзбекистон» массиви ва 161 та бошқа массивларда, жумладан, хусусий пудрат ташкилотлари томонидан янги уй-жойлар қуришнинг



йиллик ҳажмлари 2 баробарга оширилиб, 90 мингга етказилади. Изоҳланишича, 2022 йилда 44 мингга хонадон қурилиб, фойдаланишга топширилган.

Тошкент вилоятида тажриба-синов тариқасида «Менинг биринчи уйим» дастури йўлга қўйилади. 26 минг нафар фуқарога бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари, шунингдек, 11 минг нафар фуқарога бошланғич бадал ва фойз тўловларининг бир қисmini қоплашга 1 трлн. сўм миқдорда субсидия ажратилади.

БАРЧА МАКТАБЛАР
БЕПУЛ ОВҚАТЛАНТИРИШ
ЙЎЛГА ҚЎЙИЛАДИ

2023/2024 ўқув йилидан бошлаб республиканинг барча вилоятлари ва Тошкент шаҳрида бошланғич синф ўқувчиларини бепул овқат билан таъминлаш йўлга қўйилади. Натижада жорий йилда бепул овқат бериш тизими билан 2,5 млн. нафар ўқувчини қамраб олиш ва ушбу мақсадларга 2,7 трлн. сўмга яқин маблағ ажратиш таъминланади. Қайд этиш керак, 2022 йилда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятларида ушбу тизим билан 273 минг нафар ўқувчи қамраб олинди.

2023 йил 1 апрелдан бошлаб мактабгача таълим қамровини кенгайтириш мақсадида янги давлат МТТ фаолиятини кўп квартиралы уйларнинг нотура қаватларида ёки якка тартибда қурилган уй-жойларни сотиб олиш ва кейинчалик уларни реконструкция қилиш, таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш орқали ташкил этишга рухсат этилади. Масалан, битта 150 ўринли давлат боғчасини қуриш учун ўртача 6 млрд. сўм маблағ талаб этилади. Бундан ташқари, янги боғчани қуриш учун ер масаласи оғирлигича қолмоқда. Шу билан бирга, битта 3 хонали квартирада 25 нафар бола учун боғча ташкил қилиш мумкин. 150 нафар бола учун 6 та квартирани харид қилиш ва жиҳозлашга ўртача 4 млрд. сўм талаб этилади.

БЮРОКРАТИЯ
ЯНАДА ҚИСКАРАДИ

2024 йил 1 январдан бошлаб, пенсияга ҳисобланган, лекин ўз вақтида олинмаган пенсияни тўлаш мuddати 12 ойдан 24 ойга узайтирилади. Натижада 2,4 минг нафардан ортиқ фуқарога 21,7 млрд. сўм миқдордаги пенсия тўлаб берилиши имконияти яратилади. 2023 йил 1 мартдан бошлаб ногиронлик идораларо электрон маълумотлар алмашинуви асосида фуқаролар касаллигининг оғирлиги ва унинг асоратларидан келиб чиқиб уларнинг иштирокисиз белгиланади. Бу орқали йилига 27 минг нафар фуқаро (25 фоиз) тиббий-ижти-

2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини «Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги Президент фармони ҳамда давлат дастури лойиҳаси жамоатчилик муҳокамасига қўйилди. Лойиҳаларнинг энг муҳим жиҳатларига эътибор қаратамиз.

мой эксперт комиссиясига бормади ва уларга ногиронлик сирдан белгиланади.

2023 йил 1 июлдан бошлаб мобиль иловалар орқали кўрсатиладиган хизматларни кўпайтириш, ундириладиган тўловлар миқдорини камайтириш, талаб қилинадиган ортиқча ҳужжатларни бекор қилиш, кўриб чиқиш жараёнлари ва мuddатларини кескин қисқартириш кўзда тутилади. 200 та давлат хизматини Давлат хизматлари марказлари ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали кўрсатиш йўлга қўйилади. Натижада электрон шаклда кўрсатиладиган давлат хизматлари сони 73 фоизга етказилади.

Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига (ногиронлиги бўлган шахслар, оғир беморлар, кексалар ва бошқалар) миграция ва фуқароликни расмийлаштириш соҳасидаги давлат хизматларини доимий яшаш ёки вақтинча турган жойига чиқиш орқали, кўрсатилган хизмат учун қўшимча тўлов ундирилмаган ҳолда кўрсатилади. Электр, газ ва сув сарфи ҳисоблагичларини қиёслашдан ўтказиш бўйича давлат хизматларини проактив тарзда (хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг ўз ташаббуси билан фуқаро мурожаатини кутмасдан) кўрсатиш йўлга қўйилади.

ТЕЗЛИК 60 КИЛОМЕТРГАЧА
ТУШИРИЛАДИ

2023 йилда 30 та оилавий поликлиника, 110 та оилавий шифокор пункти ва 520 тагача ихчам маҳалла тиббиёт пунктлари ташкил этилади. Вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақалари ва бошқа тиббий маълумотномалар берилиши босқичма-босқич электрон шаклга ўтказилади. 2023 йил 1 июлдан бошлаб Тошкент шаҳрида босқичма-босқич давлат тиббий сугуртаси механизмлари жорий этилади. 2023 йил якунига қадар ногиронлиги бўлган шахсларни амбулатор ва стационар шароитда бепул тиббий-ижтимоий реабилитация чоралари билан қамраб олиш кўлами 30 минг нафарга етказилади.

2023 йил 1 июндан бошлаб республиканинг барча аҳоли пунктларида транспорт воситалари ҳаракатланишининг энг юқори тезлигини соатига 70 километрдан 60 километргача тушириш таклиф этилмоқда. Изоҳланишича, тезлики 10 километр соатга тушириш ўлим ҳолатларини камида 15 фоизга камайтиришга олиб келади. Биргина Тошкент шаҳрида 2022 йилда 1 200 та йўл-транспорт ҳодисаси содир этилган, бу 2021 йилдаги ҳолатлардан (1 073) қарийб 130 тага кўп. Ушбу даврда йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида ҳалок бўлганлар сони 136 нафарни ташкил этади.

Санжар ИСМАТОВ тайёрлади.

**200 НАФАРДАН ЗИЁД ФУҚАРОНИНГ
БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА
КЎМАКЛАШИЛДИ. ШУНДАН 93 НАФАР
ИШСИЗ ФУҚАРО ДОИМИЙ ИШГА, 47 НАФАРИ
ҲАҚ ТЎЛАНДИГАН ЖАМОАТ ИШИГА
ЖОЙЛАШТИРИЛДИ, 585 НАФАР ФУҚАРО
ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛИШ БЎЙИЧА ДАВЛАТ
РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛДИ.**



Бандиҳонда қандай ишлар бажарилди?

Давлатимиз раҳбари топшириғига асосан тузилган Республика ишчи гуруҳи 30 январь – 7 февраль кунлари Сурхондарё вилояти Бандиҳон туманида аҳоли муаммолари ва ижтимоий-иқтисодий масалаларни ўрганиб, ҳал этди. Жараёнда «Оққўрғон тажрибаси» асосида ишлар ташкил қилинди.

Ишчи гуруҳлари томонидан тумандаги **22 та** маҳаллада **15 099 та хонадон, 2 150 та ижтимоий ва бошқа соҳа объектлари** ўрганилди. Туман аҳолиси орасида ўтказилган **сўровнома натижаси** бўйича асосий муаммолар сув, газ ва электр таъминоти, ички йўллар ҳолати, мактабгача таълим, транспорт хизмати соҳаларида мавжуд экани маълум бўлди.

Туман аҳолиси учун долзарб муаммоларни ҳал этиш мақсадида қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Жумладан, вилоят ҳокимлиги томонидан оғир турмуш шароитига тушиб қолган хотин-қизларни уй-жой билан таъминлаш, ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш, ҳудудда қурилиш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш, кам таъминланган аҳолига моддий ёрдам кўрсатиш учун **1,8 млрд. сўм** маблағ ажратилди.

Ҳоким ёрдамчилари тавсиялари асосида «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури доирасида **44 нафар** фуқарога **1,3 млрд. сўм** имтиёзли кредитлар ажратилди, **78 нафар** фуқарога **276,0 млн. сўм** миқдорида субсидия асосида уч турдаги

(тикув машинаси, мотокултиватор, электр печ) маҳсулотлар етказиб берилди. **200 нафарга** яқин тадбиркорларга **6,7 млрд. сўм** кредит ажратилишида ёрдам кўрсатилди.

«Ёшлар дафтари» рўйхатидаги **78 нафар ёшнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини** ҳал этиш учун **234,4 млн. сўм** маблағ ажратилди. Жумладан, **51 нафар** йигит-қизга контракт-шартнома тўловлари тўланди (**127,5 млн. сўм**), **25 нафар** ёшга меҳнат қуроллари ва асбоб-ускуналар учун субсидия ажратилди (**102,7 млн. сўм**).

«Аёллар дафтари» рўйхатидаги **100 нафар** хотин-қизга **70,5 млн. сўм** миқдорида ёрдам кўрсатилди. Жумладан, **97 нафар** аёлга бир марталик моддий ёрдам берилди.

200 нафардан зиёд фуқаронинг бандлигини таъминлашга кўмаклашилди. Шундан **93 нафар** ишсиз фуқаро доимий ишга, **47 нафари** ҳақ тўланадиган жамоат ишига жойлаштирилди, **42 нафар** фуқаро касб-ҳунарга ўқитилди, **22 нафарига** ишсизлик нафақаси тайинланди. **585 нафар** фуқаро ўзини ўзи банд қилиш бўйича дав-

лат рўйхатидан ўтказилди.

Етти юзга яқин эҳтиёжманд оилаларга **1 млрд. сўмлик** қурилиш материаллари, чорва моллари олиб берилди ва бошқа ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилди. Шундан **21 та** эҳтиёжманд оила уй-жойларини таъмирлаш, қурилиш материаллари олиб бериш учун маҳаллий бюджет ҳамда ҳомийлик маблағлари ҳисобидан **693,5 млн. сўм** ажратилди.

Таълим соҳаси ҳам Республика ишчи гуруҳи эътибори марказида бўлди. **10 та** мактабга **22 та** иситиш қозонлари ўрнатилди, **8 тасида** иситиш тизими таъмирланди. **3 та** мактабга қуёш панеллари ўрнатилди, **4 та** таълим муассасасига электрон мониторлар, бадиий китоблар ва спорт анжомлари топширилди. Тумандаги мактабларга **6 турдаги** спорт жиҳозлари етказиб берилди.

90 км.га яқин ички йўллар шағаллаштирилди, **6,3 км.** сув тармоғи қуриш ишлари бошланди, **246,8 тонна** қўшимча суюлтирилган газ ва **159 тонна** кўмир етказилди, янги **228 та** темир бетон устунлар, **6 дона** трансформатор ўрнатилди, **12 таси** таъмирланди,

4,5 км. тармоқ тортилди.

Туман аҳолиси учун 4 та секторда республика, вилоят, туман ташкилотлари, секторлар раҳбарлари иштирокида **оммавий сайёр қабуллар** ташкил этилди. Жами **264 нафар** фуқаронинг **398 та** масаласи кўриб чиқилди. Уларнинг **97 таси (24,3 фоиз)** жойида ҳал этилди, **161 таси (40,4 фоиз)** бўйича ҳуқуқий тушунтириш берилди, **140 таси** назоратга олинди. Фуқаролар, асосан газ, электр, ичимлик суви таъминоти, ички йўллар, бандлик масалаларида мурожаат қилган.

Бир сўз билан айтганда, туманда аниқланган **1 020 та** муаммодан **843 таси (83 фоиз)**, ижтимоий ва бошқа объектларда аниқланган **2 078 та** муаммодан **66 таси (3 фоиз)** ҳал этилди, қолган **2 189 та** масала кўриб чиқилиши назоратга олиниб, аниқ молиялаштириш манбалари, ижро мuddатлари ва масъул ижрочилар белгиланган ҳолда «**йўл харитаси**» ишлаб чиқилди ҳамда назоратга олинди.

Мансур АБДУСАТТОРОВ.

МАҲАЛЛАДАНИМАГАН?

Вилоят ҳокими маҳаллаларни кездди

Сурхондарё вилояти ҳокими Улуғбек Қосимовнинг маҳаллалардаги ўрганиш ишлари давом этмоқда. Бу гал вилоят раҳбари Шўрчи туманидаги ўзгаришлар, одамларни қўйнаётган муаммолар билан танишди.

«Элбаён» маҳалласида жойлашган қишлоқ врачлик пункти биносини таъмирлаш ишлари 2019 йилда бошланган. Бу ишлар маҳаллий бюджетдан ажратилган маблағлар ҳисобига амалга оширилиши белгиланган. Бироқ маблағнинг бир қисми ҳозирги кунга қадар ажратиб берилмагани сабабли ишлар ўз якунига етказилмаган. У.Қосимов мавжуд ҳолатни ўрганиб, қолган маблағни вилоят маҳаллий бюджетидан ажратиш, бинодаги қурилиш-таъмирлаш ишларини жорий йил 1 март санасига қадар якунлаш юзасидан кўрсатмалар берди.

Кейинги манзилда вилоят раҳбари «Кўклам» маҳалласида жойлашган 450 ўринли Касб-хунари ўқитиш маркази фаолияти билан танишди. Ушбу марказ 8 та йўналишда фуқароларга

касб-хунари ўргатиб келмоқда. Касб-хунари ўқитиш марказининг мавжуд моддий-техника базаси кўздан кечирилиб, тегишли чора-тадбирлар белгилаб берилди.

«Ойнакўл» маҳалласида аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар билан танишилди. Сув миносаси ва қувурларини ётқи-зишда йўл қўйилган камчиликлар ҳамда ушбу маҳаллада пиёдалар йўлаги ташкил этилмагани танқид қилинди. Масъулларга ишни сифатли амалга ошириш, қисқа мuddатларда аҳолига тоза ичимлик суви етказиб беришни бошлаш бўйича кўрсатмалар берилди. Шунингдек, пиёдалар йўлакларини барпо этиш таклифини Давлат дастурларига киритиш белгиланди.

Вилоят ҳокими ва сектор раҳбарларининг «Қушон» маҳалла-

сида бўлиб ўтган оммавий сайёр қабулида 360 нафар фуқаронинг уй-жой қуриш, таъмирлаш, ишга жойлашиш, ички йўллар таъмири, ичимлик суви, электр энергияси, газ таъминоти, даволаниш, ижтимоий ҳимоя, моддий ёрдам ажратиш каби масалалардаги 403 та мурожаати тингланди. Мурожаатларнинг 74 таси шу ернинг ўзида ижобий ҳал этиб берилди. Ижроси маълум мuddат ва қўшимча ўрганиш талаб қиладиган 329 та мурожаат масъулларга йўналтирилди ҳамда ҳар бир мурожаатга масъулият билан ёндашиб, мурожаатларни қонун доирасида ижобий ҳал этиш топшириғи берилди.





Ўзгаришлар «Дўстлик»ка янги ҳаёт бахш этди

«БИЗ ТОМОНДА ҲАМ ТРАНСПОРТ ҚАТНОВИ ЯХШИЛАНАРМИКАН? МЕТРО КЕЛАРМИКАН? ЯНГИ КОРХОНАЛАР ОЧИЛАРМИКАН? ИЖАРАДА ТУРГАН МАҲАЛЛАЛАРГА КЎРКАМ, ЗАМОНАВИЙ ИДОРЛАР НАСИБ ЭТАРМИКАН? ЗАМОН ТАЛАБИГА МОС ТИББИЁТ, МАДАНИЯТ, СПОРТ, АДАБИЁТ, МАЪНАВИЯТ, САНЪАТ МУАССАСАЛАРИ ҚАД РОСТЛАРМИКАН?» ДЕГАН ЎЙЛАР ОДАМЛАРНИНГ КЕЧАГИ АРМОНУ АНДУҲЛАРИ ЭДИ

Пойтахтимизнинг Янгиҳаёт тумани 2020 йилда ташкил этилган, номига муносиб янги туманлардан бири саналади. Худудда 30 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд бўлиб, мингга яқин кўп қаватли уйларда 42 мингга яқин хонадон истиқомат қилади. Бугун тумандаги ҳар бир маҳалла муҳим ўзгаришлар, катта янгиларга оғушида. Энг муҳими, қилинаётган ишларда имиж, сифат, креативлик масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Бу ҳақда сўз борганда, айтиш керакки, Тошкент шаҳридаги ўн иккинчи туман сифатида ташкил этилган Янгиҳаёт Узбекистондаги ўз логотипига эга бўлган ilk туман бўлди. Муҳими, логотип муаллифлик ҳуқуқига эга. Қолаверса, «Дўстлик» маҳалласидаги кўп қаватли уйлар деворига чизилган «Миллатлар дўстлиги» номли «street art» маҳаллада узоқ йиллардан буён яшаб келаётган 30 дан ортиқ миллат вакиллари аҳил-иноқлигини, тотувлигини том маънода ўзида ифода этади.

ОДАМЛАР ОРЗУ ҚИЛИШДАН ТЎХТАМАДИ...

Шу ўринда «Дўстлик» маҳалласининг бир неча йил олдинги манзарасига назар ташлайдиган бўлсак, бу ерлар Тошкентнинг энг чекка жойлари ҳисобланарди. 1966 йилги зилзиладан сўнг шаҳар қаддини тиклаш учун собиқ иттифоқнинг турли республикаларидан ёрдамга келган қурувчилар вақтинча яшаб, сўнгра бузиб ташланишга мўлжалланган, ёғочдан ясалган, аҳоли томонидан «финская деревяшка» деб аталадиган уйлар худуд кўрқига соя ташлаб турарди.

— Уша замонлардаёқ «Бу ёғоч уйлар эрта-индин бузилар экан», деган гаплар юрар эди, — дейди шу маҳаллада яшовчи Ортиқ ота Ҳалимов. — Орадан ўн йил, йигирма йил,

йигирма беш йил ўтди. «Йўлдош шаҳарча» атрофига мустақиллик йиллари йўллар тортилиб, баланд бинолар қурила бошланди. Янги шифохоналар, мактаблар, боғчалар, мебель фабрикаси, катта-кичик бозорчалар очилди. Аммо бу ер шаҳарнинг чекка жойи экани ҳар лаҳза билиниб турарди. «Ана бузилади, мана бузилади» бўлган ёғоч уйлар ҳам ўша-ўша ҳолда қолди. Қолаверса, транспорт масаласи жуда чатоқ эди. Эрталаб ишга, ўқишга борувчилар бекатларда интиқ бўлиб автобус кутарди. Автобус келиши билан ҳамма ўзини ичкарига урар, чиқишга улгурмаганлар кейинги — орадан бир соат ўтиб келадиган автобусни кутишга мажбур эди. Ёғингарчиликлар бошланса, асфальтнинг ўйдим-чуқурлигидан бир километр ҳам текис йўл.

Бирок одамлар орзу қилишдан тўхтамади. «Биз томонда ҳам транспорт қатнови яхшиланармикан? Метро келармикан? Янги корхоналар очилармикан? Ижарада турган маҳаллаларга кўркам, замонавий идоралар насиб этармикан? Оқшом сайр этишга осойишта ва ёруғ йўлақлар қурилармикан? Бизда ҳам замон талабига мос тиббиёт, маданият, спорт, адабиёт, маънавият, санъат муассасалари қад ростлармикан?» деган ўйлар худуд аҳлининг кечаги армону андуҳлари эди. Ниҳоят, 2020 йилда Президент Шавкат Мирзиёев худудга ташриф буюриб,

унинг кўчалари, маҳаллаларини қадамба-қадам кўздан кечирди. Уша ташрифдан сўнг худуд елкасига офтоб тегди. Шу йилнинг ноябрь ойига келиб, 4 419,6 гектар майдонга эга Янгиҳаёт тумани ташкил этилди.

ЯНГИ МАҲАЛЛА БИНОСИ ҚУРИЛДИ

Президентнинг худудга навбатдаги ташрифи 2022 йил 18 февраль санасига тўғри келди. Аввалги ташриф доирасида берилган топшириқлар ижроси, маҳаллалардаги ўзгаришлар бирма-бир кўздан кечирилди. Хусусан, давлат раҳбари «Дўстлик» маҳалласига ташриф буюриб, бунёдкорлик ишлари билан танишди, маҳалла ходимлари билан суҳбатлашди.

— Маҳалламизда 4,4 минг нафардан зиёд аҳоли яшайди, — дейди «Дўстлик» маҳалласи раиси Маъмураҳон Азимова. — Илгари бу ер бироз эътибордан четда қолган эди.

МАҲАЛЛА ХУДУДИДА ТИКУВ ФАБРИКАСИ, ҚОҒОЗ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ. УЛАРГА ҲАМ ЙИГИНДАГИ ХОТИН-ҚИЗЛАР ИШГА ЖОЙЛАШТИРИЛДИ. ФАҚАТ БУГИНА ЭМАС. ҲАР БИР ХОНАДОНДАГИ МАВЖУД ВАЗИЯТ, УЛАРНИНГ ҲОҲИШ-ИСТАКЛАРИ ЎРГАНИБ БОРИЛМОҚДА. ШУ ОРҚАЛИ НОМЛИ ДАФТАРЛАРГА КИРИТИЛИБ, БЕЛГИЛАНГАН ЁРДАМЛАР КЎРСАТИЛАПТИ.

Маҳалла тизимидаги 20 йиллик фаолиятим давомида катта бир ўзгаришлар бўлганини эслай олмаман. Фақатгина 2021 йилга келиб, «Обод маҳалла» дастури доирасида худуд ободлаштирилди. Болалар ўйингоҳи, спорт майдончаси, савдо ва касана-чилик дўконлари барпо этилди. Аҳоли ҳаётига тааллуқли барча муаммолар ҳал бўлди. Оқшом кўчалар ва йўлақларимиз хилма-хил чироқлар билан ёритилди. Болалар, спорт майдончалари, югуриш ва велосипед йўлақлари ҳамиша ёшлар билан гавжум.

Маҳалла фаоллари анча йиллардан буён ўз биносига эга эмас эди. Қайсидир ташиқлотларнинг кўрмисизгина биноларида, таълим муассасаларининг кичиккина хоналарида иш юритиларди. «Обод маҳалла» дастури доирасида йиғин фаолларига замонавий, барча қўлайликларга эга, ходимларнинг ҳар бири учун алоҳида хоналарни ўз ичига олган маҳалла маркази қуриб берилди. Шу билан бирга, фуқаролар таклиф ва истаклари асосида маҳалла худудидаги 0,14 гектар бўш турган ер майдонида икки қаватли, замонавий техникалар билан жиҳозланган тез тиббий ёрдам станцияси очилди.

МАҲАЛЛАДА 300 КИШИ ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛДИ

Илгари одамлар муаммолар бўйича ҳокимиятга борар, хатлар ёзарди. Энди ҳар бир маҳаллада Президентнинг вакиллари — ҳоким ёрдамчилари бор. Бугун улар хонадонларни ўрганиб, ёрдамга муҳтож оилаларга кўмаклашиш, ишсизларни касб-ҳунарга ўқитиш, имтиёзли кредит ва субсидиялар ажратиш

бўйича самарали иш олиб бормоқда. Жумладан, «Дўстлик» маҳалласидаги ҳоким ёрдамчиси Улуғбек Абдувоҳидовнинг фаолиятдан маҳалладошлари мамнун.

— Маҳалламизда ўтган йили 72 нафар киши доимий, 5 нафар фуқаро мавсумий ва ҳақ тўланадиган ишга жойлаштирилди, — дейди У.Абдувоҳидов. — Шу билан бирга, 300 нафар фуқаро ўзини ўзи банд қилган бўлса, 45 нафар ёш касб-ҳунарга ўқитишга йўналтирилди. 6 нафар фуқарога 56 миллион сўмлик субсидия асосида тикув машиналари, керакли асбоб-ускуналар берилди, 17 нафар лойиҳа ташаббускорларига 361,2 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилиб, тадбиркорлик лойиҳалари ишга туширилди. Маҳалла худудида тикув фабрикаси, қоғоз ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилди. Уларга ҳам йиғиндаги хотин-қизлар ишга жойлаштирилди. Фақат бугина эмас. Ҳар бир хонадондаги мавжуд вазият, уларнинг хоҳиш-истаклари ўрганиб борилмоқда. Шу орқали номли дафтарларга киритилиб, белгиланган ёрдамлар кўрсатиляпти.

Ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси ҳамкорлигида маҳалладаги кам таъминланган, эҳтиёжманд оилалар ҳолидан доимий хабар олинади. Шу орқали ўтган йили 12 нафар ёшнинг тўлов-контракт, 5 нафарининг ҳарбий хизмат учун, 4 нафарининг даволаниш, 2 нафарининг ҳайдовчилик курси, 9 нафарининг ўқув курси учун тўлов суммалари тўлаб берилди. 11 нафар ёшга бир марталик моддий ёрдамлар кўрсатилди.

Санжар ИСМАТОВ.

Умуман олганда, бугун Янгиҳаётнинг сўлим гўшаларидан бирига айланган «Дўстлик» маҳалласида янгилар бисёр. Худуддаги ҳар бир инсон ўзгаришларни ўз оиласида ҳис қилмоқда. Бу ўринда маҳалла ходимларининг фидойилиги, жонқуярлиги уларни янги марраларни забт этишга, янги-янги иш ўринлари яратиш, тадбиркорликни йўлга қўйишга руҳлантирмоқда. Аслида, маҳалла тизимидаги ислохотлардан кўзланган мақсад ҳам шу: одамлар розилигига, уларнинг ҳаётдан мамнун бўлиб яшашига эришиш, ҳар бир хонадондан хабардорлик, энг муҳими, ҳеч бир инсонни эътибордан четда қолдирмаслик.

МАҲАЛЛАДА 648 ТА ХОНАДОН БЎЛСА, ҲИСОБ-КИТОБЛАРГА КЎРА, УЛАРДАН 800 МИЛЛИОН СЎМ АТРОФИДА МОЛ-МУЛК ВА ЕР СОЛИҒИ УНДИРИЛАДИ. БУНИНГ 10 ФОИЗИ МАҲАЛЛАГА КЕЛИБ ТУШИШНИ ЭЪТИБОРГА ОЛСАК, ЙИҒИН БЮДЖЕТ 80 МИЛЛИОН СЎМ АТРОФИДА БОЙИЙДИ



Ҳуқуқий эксперимент қандай синовдан ўтказилмоқда?

Хабарингиз бор, маҳаллалар ўз муаммоларини мустақил ҳал этиши учун республикамизнинг 14 та туманида «Маҳалла бюджети» тизими жорий этилмоқда. Тизим ҳар бир маҳалланинг ўзига хос хусусияти ва салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилмоқда. Наманган вилоятида бу экспериментга Уйчи тумани танлаб олинган ва йўналишда бугунги кунда тизимли ишлар бажарилмоқда.

Қайд этиш керак, мазкур тажриба давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 26 декабрдаги «Маҳалла бюджети»ни жорий этиш орқали маҳаллаларнинг молиявий имкониятини янада кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида ўтказилмоқда.

— Қарорга асосан, Уйчи тумани мазкур тажриба ҳуқуқий эксперимент сифатида ўтказишга танлаб олинди, — дейди маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш туман маркази раҳбари Толибжон Мирзабоев. — 565 та маҳаллада бу борада тайёргарлик ишлари бошлаб юборилган. Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш туман маркази дахлдор ташкилотлар билан биргаликда тайёргарлик тадбирларини мувофиқлаштириб бормоқда. Ҳозирда Солиқ инспекцияси ходимлари, маҳалла раислари, ҳоким ёр-

дамчилари билан биргаликда ҳудуддаги қарздорликлар, 2023 йилда ундириладиган солиқлар бўйича ҳисоб-китобларни олиб борапмиз. Жисмоний шахслардан олиннадиган мол-мулк ва ер солиғини ундириш орқали даромаднинг 10 фоизи маҳалланинг ўз бюджетига қолдирилиб, муаммоларни ҳал этишга йўналтирилади.

Айтиш керакки, «Маҳалла бюджети» орқали шакллантирилган маблағлар «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунда назарда тутилган фуқаролар кенгаши томонидан бошқарилади. Тизим асосида шакллантирилган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилиши тақлиф этилаётган ва амалга оширилган тадбирлар жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиғи бўйича қарздорлиги бўйича маълумотлар «Очиқ бюджет» ахборот порталига жойлаштириб борилади.

ҲИСОБ-КИТОБЛАРГА КЎРА, МАНА ШУ ХОНАДОНЛАР СЎМ АТРОФИДА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРДАН МОЛ-МУЛК ВА ЕР СОЛИҒИ УНДИРИЛАДИ. БУНИНГ 10 ФОИЗИ МАҲАЛЛАМИЗГА КЕЛИБ ТУШИШНИ ЭЪТИБОРГА ОЛСАК, БЮДЖЕТИМИЗ 80 МИЛЛИОН СЎМ АТРОФИДА БОЙИЙДИ. МАЗКУР МАБЛАҒЛАРНИ ҚИЙНАЛАЁТГАН ЭЪТИЁЖМАНД, КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛАЛАР, НОГИРОНЛИГИ БОР ШАХСЛАРНИ Қўллаб-қувватлашга, уларга амалий ёрдам кўрсатишга йўналтирамиз.

— Бизнинг маҳаллада 648 та хонадон бўлиб, уларда 3 947 нафар аҳоли истиқомат қилади, — дейди «Баланд ариқ» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Баҳромжон Мамазокиров. — Ҳисоб-китобларга кўра, мана шу хонадонлар ҳисобига 800 миллион сўм атрофида жисмоний шахслардан мол-мулк ва ер солиғи ундирилади. Бунинг 10 фоизи маҳаллаимизга келиб тушишни эътиборга олсак, бюджетимиз 80 миллион сўм атрофида бойийди. Мазкур маблағларни қийналаётган эътиёманд, кам таъминланган оилалар, ногиронлиги бор шахсларни қўллаб-қувватлашга, уларга амалий ёрдам кўрсатишга йўналтирамиз. Бундан ташқари, маҳалла инфратузилмасини, жумладан, йўл, газ, ичимлик суви муаммоларини ҳал этишга сарфлаймиз.

Жорий йилнинг 1 июлига қадар ҳуқуқий эксперимент натижалари тўғрисидаги ахборот тақдим этилади. Шундан келиб чиққан ҳолда, тизимни республиканинг барча шаҳар ва туманларида жорий этиш тўғрисидаги тақлифлар киритилиши кўзда тутилмоқда.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.

МАҲАЛЛАДАНИМАГАМ?

Қабулда 30 тадан ортиқ мурожаат тингланди



Когон шаҳрида вилоят ҳокимлиги масъуллари, сектор раҳбарлари иштирокида оммавий сайёр қабул ўтказилди.

Қабулда Бухоро шаҳри, Когон шаҳри ва тумани, Қоровулбозор тумани фуқаролари иштирок этиб, 30 тадан ортиқ турли мазмундаги мурожаат тингланди.

— Маҳаллани тоза ичимлик сув билан таъминловчи тармоқ носоз аҳволга келиб қолгани сабабли уни таъмирлашга амалий кўмак беришни сўраб мурожаат қилдим, — дейди Когон туманидаги «Ҳукуматобод» маҳалласида яшовчи Аҳад Саидов. — Мурожаатим сектор ишчи гуруҳи томонидан атрофлича ўрганилиб, керакли маблағ ажратилдиган бўлди.

Сайёр қабулда шу каби фуқароларнинг электр энергияси, ишсизликни бартараф этиш, қишлоқ ички йўлларини таъмирлаш, даволаниш, ишга жойла-

шиш, моддий ёрдам, тадбиркорлик, уй-жой ажратиш юзасидан мурожаатлари эшитилди.

— 30 йилдан буён Бухоро шаҳридаги «Фурқат» кўчасида истиқомат қилдим, — дейди Гуландон Фармонова. — Хонадоним бузилишга тушиб, ўрнига кўп қаватли уй-жой кўтарилди. Ачинарлиси, қурувчи беш йилдан буён компенсация пуллари тўлаб бермади. Бугунги сайёр қабулда ушбу муаммом ҳал бўлди. Қурувчи тўлаши керак бўлган 360 миллион сўмга яқин компенсация пуллари қонуний тарзда ундириб берилди.

Ҳар бир мурожаат тегишли соҳа масъуллари иштирокида кенг муҳокама қилиниб, уларни ҳал этиш чоралари кўрилди. Ақсарият мурожаатлар жойида ўз ечимини топди. Қолган мурожаатлар бўйича муддат белгиланиб, ижроси назоратга олинди. Шунингдек, фуқароларга мурожаатлар юзасидан ҳуқуқий тўшунтиришлар берилди.



Фаоллар фидойи бўлса, ташаббуслар ерда қолмайди

БУГУН МАҲАЛЛАЛАРДАГИ «БЕШЛИК» ФАОЛИЯТИНИНГ НАТИЖАЛАРИ БАРЧА ҲУДУДЛАРДА СЕЗИЛМОҚДА. ФАОЛЛАРИ МАСЪУЛИЯТЛИ, ИШГА СИДҚИДИЛДАН ЁНДАШАЁТГАН, ОДАМЛАР ДАРДИ БИЛАН ЯШАЁТГАН ЙИГИНЛАРДА ҲЕЧ БИР ЙЎНАЛИШ, ҲЕЧ БИР КИШИ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛИБ КЕТМАЯПТИ



АЁЛЛАР БИЛАН ҚАНДАЙ ИШ ОЛИБ БОРИЛЯПТИ?

«Марказобод» маҳалласида 1 080 нафар хотин-қиз рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг 44 нафари ишсиз эди. Улар касб-ҳунар марказлари ва «Ишга марҳамат» мономарказларига йўналтирилди. Ҳозирда 26 нафари ўқитиш муваффақиятли битириб, эгаллаган касб-ҳунари бўйича фаолият олиб бормоқда. 25 нафари «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастури асосида имтиёзли кредит олиб, ўзини ўзи банд қилди. Қолаверса, маҳалладаги норасмий банд бўлганларнинг 86 нафари доимий ва мавсумий иш жойи билан таъминланди, 47 нафари ўзини ўзи банд қилди.

Акмалжон Қўчқоровнинг қайд этишича, камбағалликни қисқартиришнинг энг самарали йўли — мавжуд имкониятлардан ва ресурслардан самарали фойдалана олиш. Унинг даражасини ўлчаш методлари ва нисбатлари турлича. Маҳаллада бунда, аввало, камбағаллик сабабини ўрганиш ва уни бартараф этиш чоралари кўрилди. Кейинчалик тегишли чора-тадбирлар белгиланди. Мониторинг натижаларига кўра, камбағалликка дуч келган оилаларнинг аксарияти, бу — ногиронлиги бўлган шахслар, нафақахўрлар ва бола парвариши билан банд бўлган аёллар мавжуд оилалар экани ойдинлашди.

Шундан келиб чиқиб, маҳаллада рўйхатга олинган 97 та кам таъминланган оилалардаги 61 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди. Мисол учун, «Аёллар дафтари» рўйхатидаги И.Таджимуратовага «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастури асосида ажратилган имтиёзли кредит эвазига тикув машинаси ва оверлок олиб берилди. Унинг оилавий даромади амалий ёрдам кўрсатилгунга қадар ойлик жон бошига 450 минг сўмдан тўғри келарди. Кредит ажратилгач, даромад оила жон бошига 1,5 миллион сўмни ташкил

этяпти. Натижада оила биринчи тоифадан тўртинчи тоифага ўтказилди.

Элмира Ражапова ҳам шу маҳаллада яшайди. Икки ёшга тўлмаган ўғли бор. Ҳоким ёрдамчиси кўмаги билан ён қандолат маҳсулотлари тайёрлашда фойдаланиладиган асбоб-ускуналар олиб берилди.

— *Олдин турли пишириқ пишириб, даромад топганман, — дейди Элмира Ражапова. — Келин бўлиб келган уйимда бекор ўтиришни хоҳламадим. Менга қандолатчиликни йўлга қўйишим учун 33 миллион сўм банк кредити беришди. Ми-жозларим уйга келиб буюртма бериб кетади. Қўшни маҳаллардан буюртмалар тушмоқда. Даромадимиз ҳам яхши.*

Худди шундай, З.Қаландаровага субсидия асосида тикув машинаси олиб берилди. Натижада оила даромади жон бошига 1,6 миллион сўмга етди. А.Абдуллаеванинг оиласи ҳам шу тариқа биринчи тоифадан тўртинчи тоифага ўтказилди. Касби ўқитувчи бўлган, ҳозир нафақага чиққан Қ.Одилова бўш ўтиришни хоҳламади. Ҳоким ёрдамчиси кўмаги билан тикувчиликни йўлга қўйиши учун 30 миллион сўм кредит олди ва уйда тикувчиликни йўлга қўйди. Ҳозир уч нафар шогирди бор, оиласига қўшимча 3-4 миллион сўм даромад олиб қирапти.

Санжар ИСМАТОВ.

Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманидаги «Марказобод» маҳалласи ҳудуддаги намунали фуқаролар йиғинларидан бири саналади. Маҳаллада «бешлик» фаолияти самарали йўлга қўйилган. Шу боис ҳудудда бекор юрган, иш тополмай қийнаётган кишиларни учратмайсиз. Хотин-қизларни йўлантираётган масалаларга ҳам ҳамжиҳатликда ечим топилмоқда.

Маҳаллада 340 та хонадон, 510 та оила, 2 минг 155 нафар фуқаро истиқомат қилади. 2022 йил давомида 81 нафар ишсиз фуқаро мавжуд эди, бугунги кунга келиб, бу рақам 26 тага камайди. Маҳалла ҳудудида 77 та тадбиркорлик субъекти фаолият олиб бормоқда. Уларнинг аксарияти хизмат кўрсатиш йўналишига ихтисослашган. Ҳудудда йирик корхоналар мавжуд бўлмаса-да, аҳоли айнан хизмат кўрсатиш ва ўзини ўзи банд қилиш орқали рўзғор тебратишга имконият топган.

— *Туман марказида жойлашганимиз боис сервис хизмати ва ишлаб чиқариш ҳудудимиз «драйвер»и ҳисобланади, — дейди «Марказобод» маҳалласи раиси Абдулла Шарипов. — Ҳудудимизда деҳқон бозори жойлашган. Аксарият маҳалладошларимизнинг даромади шу бозордан. Йиғиндаги «бешлик» имкон қадар аҳоли бандлигини таъминлаш, уларнинг оғирини енгил қилишга ҳаракат қилияпмиз. Бунда, айниқса, ҳар бир маҳалла ходими қайсидир йўналишга ихтисослашгани, ўша соҳадаги масалаларнинг тағамирига келиб бораётгани, оқибатлар билан эмас, муаммонинг омили билан курашаётгани катта аҳамият касб этмоқда.*

Раиснинг қайд этишича, маҳалла инфратузилмасини яхшилаш мақсадида ўтган йили ҳудуддаги умумий қиймати 2 миллиард 700 миллион сўмлик 120 ўринли мактабгача таълим ташкилотининг янги биноси қурилиб, ишга туширилди. 0,5 километр ички йўлга қора қопламали ҳамда бетон асфальт

ётқизилди, яна шунча километр ичимлик суви қувурлари янгиланди. Бундан ташқари, 1 километр пиёдалар йўлакчаси ташкил этилиб, 40 та қуёш панелли тунги ёриткичлар ўрнатилди.

156 НАФАР ФУҚАРО ДОИМИЙ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИЛДИ

Ўтган йили барча хонадонлар хатловдан ўтказилиб, улар ижтимоий-иқтисодий аҳолига кўра, 4 тоифага ажратилди. Хатлов натижасида 43 та хонадоннинг даромади камлиги ва меҳнатга лаёқатли ишсизлар борлиги, 154 та оила доимий даромадга эга, лекин қўшимча даромад топиш истагида экани, 14 та хонадон ижтимоий ҳимояга муҳтожлиги ҳамда 129 оиланинг яшаш шароити яхшилиги аниқланди.

— *Маҳалламиз паспортини шакллантириш жараёнида аҳолининг гендер таркиби, касб малакалари, хоҳиш-истаклари, муаммоларини ўрганиб, тўпланган маълумотларни «Online-mahalla.uz» платформасига жойлаштирганмиз, — дейди маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси Акмалжон Қўчқоров. — Меҳнат фаолиятини бошлаш истагида бўлган фуқароларимиз ҳам кўп. Уларнинг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда субсидиялар ёхуд имтиёзли кредитлар ажратиш ишлари маҳалладан чиқмай, «онлайн» тарзда амалга ошириб келинмоқда. Фуқаролар бандлигини таъминлаш мақсадида туман бандликка кўмаклашиш маркази билан ҳамкорликда ваканциялари мавжуд корхона*

ва ташкилотларга саёҳатлар, ҳудудий меҳнат ярмаркалари ташкил этилмоқда.

Умуман олганда, маҳалланинг ихтисослашувидан келиб чиқиб, аҳолини барқарор даромад билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада 156 нафар фуқаро доимий ишга жойлаштирилди. 86 нафари ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатга олинган бўлса, 2 нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинди, 10 нафари эса ижара асосида ер ажратилди. Маҳаллада умумий қиймати 800 миллион сўмлик 4 та микролойиха ишга туширилиши ҳисобига яна 10 нафар фуқаро ишли бўлди.

Мисол учун, Темур Рўзметов Россиядан қайтгач, ишсиз эди. Унга кичик юк ташиш транспорти олиши учун 33 миллион сўм кредит ажратилишига амалий кўмак берилди ҳамда Темур ушбу транспортда аҳолига хизмат кўрсатишни бошлади.

— *Икки нафар фарзандим бор, турмуш ўртоғим ҳам вақтинча ишсиз, — дейди Т.Рўзметов. — Олдин Россияга бориб ишлаб келардим. Оилангдан узоқда, ўзга элларда сарсон-саргардон юриш қанчалик азоб эканини бошидан ўтказган билади. Ҳозир даромадим ёмон эмас. Ойига 4,5-5 миллион сўм топяпман. Ҳам кредит тўлашга, ҳам оилам харажатларига етиб турибди. Энди чет давлатларга ишлагани кетмайман.*

Умуман олганда, бугун маҳаллалардаги «бешлик» фаолиятининг натижалари барча ҳудудларда сезилмоқда. Фаоллари масъулиятли, ишга сидқидилдан ёндашаётган, одамлар дарди билан яшаётган йиғинларда ҳеч бир йўналиш, ҳеч бир киши эътибордан четда қолиб кетмаяпти. «Марказобод»да ҳам шундай фидойи ва жонкуяр ходимлар йиғилганки, маҳалла аҳли улардан рози, ҳар қандай ташаббусни қўллаб-қувватлашга шай.



Ҳаётбахш дастур турмушни бадастир этяпти

**ЭЛЕКТР ТОКИДАГИ УЗИЛИШЛАР ТУФАЙЛИ ФАРЗАНДЛАРИНИ ШАМ ЁРУҒИДА ДАРС ҚИЛДИРИБ,
ТОНГДА УЛАРНИ БАЛАНД ҚЎНЖЛИ ЭТИКЛАРДА МАКТАБГА ОЛИБ БОРИШ ОДАТИЙ ҲОЛ ЭДИ. ЁМҒИРЛИ КУНЛАРДА
МАҲАЛЛА КЎЧАЛАРИ ОДАМЛАРНИНГ ТИНКА-МАДОРНИ ҚУРИТАРДИ**

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жорий этилган аҳоли билан ишлашнинг янги тизими фуқароларнинг кўплаб муаммоларига тезкор ечим топишда қўл келди. Худудларда «Обод маҳалла» ва «Обод қишлоқ» дастурлари доирасида кенг кўламли ишлар олиб борилди ва мазкур жараён бугунги кунда ҳам давом этаётир. Жумладан, Кармана туманидаги «Янгиобод» маҳалласида амалга оширилган бунёдкорлик, ободончилик, ишсиз фуқароларни иш билан таъминлаш ишларидан сўнг худуд ўзгача қиёфа касб этди.

Бир неча йиллардан буён йиғин аҳли электр энергиясидаги муаммолар, айниқса, қиш фаслида тиззагача лой бўлиб кетадиган йўлларнинг ёмонлигидан қийналиб келишарди. Электр токидаги узилишлар туфайли фарзандларини шам ёруғида дарс қилдириб, тонгда уларни баланд қўнжли этикларда мактабга олиб бориш одатий ҳол эди. Тўғриси, ёмғир ёғса, одамлар ҳаракатлана олмай қоладиган маҳалла кўчалари уларнинг тинка-мадорини қуритганди. Ҳайриятки, бу қийинчиликлар узоққа бормади.

Йиғинда дастур асосида Янги бунёдкор, Урганжи кўчаларидаги эскирган ёғоч устунлар бетон симёғочларга алмаштирилиб, улама-улама бўлиб ётган электр симлари ўрнига янги электр кабеллари тортилди. Худудда электр энергиясига бўлган талаб кўплигидан юқори 160-250 кВт. кучланишга эга 4 та янги трансформатор фойдаланишга топширилди. Маҳалла раиси ташаббуси билан ҳомийлар жалб қилинган ҳолда, лой, одам юришга қийналадиган

кўчаларга шағал ётқизиблиб, аҳолининг кўп йиллик орзуси рўёбга чиқди.

— Ёмғир ёки қор ёғса, йўлларимизда юриб бўлмайд қоларди, — дейди «Янгиобод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Олим Раҳмонов. — Аҳоли йўлларимиз ёмонлигидан кўп азият чекишган. Такси машиналари бизнинг маҳаллага кира олмасди. Узоқдан келадиган меҳмонларни айтмаса ҳам бўлаверади. Бир келгач, маҳалламизга қайтиб келишмасди. Электр таъминотидаги узилишлар-ку, одамларни сабрини тамом қилганди. Шукрки, дастур доирасида электр энергиясидаги узилишлар бартараф этилиб, йўлларимиз равон бўлди. Энди лой кўчаларимиз тарихда қолди.

Бундан ташқари, маҳаллада маҳалла раисининг ташаббуси билан ҳомийлар кўмағида ижтимоий ҳимояга муҳтож, боқувчисини йўқотган оилалар ҳолидан хабар олиниб, уларга моддий ёрдам кўрсатиб келиняпти. Жумладан, Янги Ўзбекистон ва Урганжи кўчасида истиқомат қилувчи боқувчисини йўқотган,

ижтимоий ҳимояга муҳтож Манзура Қиличева ва Мақсуда Тоғаваларнинг уйлари таъмирлаб берилди. Ташаббус билан икки оиланинг уйларига ўзгача файз кирди, яшашга бўлган ишончи ортди.

Айтиш керакки, йиғинда номли дафтардагилар билан самарали ишлар амалга оширилди. Хусусан, «Аёллар дафтари»даги эҳтиёжманд 45 нафар хотин-қизга бир марталик моддий ёрдам пуллари берилди. Ҳоким ёрдамчиси кўмағи билан ўз тадбиркорлигини йўлга қўймоқчи бўлган 7 нафар хотин-қиз касбга ўқитилиб, субсидия асосида тикув машиналари олиб берилди. Шунингдек, «Ёшлар дафтари»даги ўз даромадига эга бўлмаган ишсиз йигит-қизларнинг 5 нафарига тадбиркорликни йўлга қўйишлари учун имтиёзли кредит олиб берилиб, бандлиги таъминланди.

— Бошида озроқ маблағ тўплаб, 100 дона бройлер жўжаларини олиб боқишни бошладим, — дейди Янгиобод кўчасида яшовчи Жалол Шарифов. — Жўжаларни боқиш сирларини

пухта ўрганиб олгач, тадбиркорлигимни кенгайтириш фикри туғилди. Ҳоким ёрдамчиси кўмағи билан ўтган йили 40 миллион сўм имтиёзли кредит эвазига 500 дона бройлер жўжасини олиб, ҳар мавсумда 28 миллион сўм даромад қиялман. «Ётиб еганга тоғ ҳам чидамайди», деган гап бекорга айтилмаган. 500 дона жўжа билан чекланиб қолмасдан, жорий йилда тадбиркорлигимни янада кенгайтириб, уларнинг сонини 200 минг донага етказмоқчиман. Бу орқали маҳалладаги ижтимоий ҳимояга муҳтож, ишсиз аҳоли вакиллари мавсумий иш билан таъминлаш режамда бор.

Бир сўз билан айтганда, маҳаллага келсангиз, аввалгидек лой кўчаларга, эскирган симёғочларга ва мақсадсиз бўш юрган одамларга кўзингиз тушмайди. Ёшу қари бирдек иш билан банд. Одамлар маҳалладаги ўзгаришлардан мамнун, яратилаётган имкониятлардан, аввалгидек лой кўчалардан юришмаётганидан хурсанд.

Мансурбек ЖАББОРОВ.

МАҲАЛЛАДАНИМАГАМ?

Ёшлар тақдири ҳар бир раҳбар эътиборида

Учқудуқ туманидаги «Келажак» ёшлар марказида туман ҳокимлиги вакиллари сайёр қабули ўтказилди.

30 нафар йигит-қиз иштирок этган тадбирда ишга жойлашиш, олий таълимда таҳсил олиш учун шартнома пулини тўлаб беришда ёрдамлашиш, тадбиркорликни йўлга қўйиш мақсадида кредит олиш ва яна бошқа масалалар юзасидан 26 та мурожаат қайд этилиб, шундан 9 таси шу жойнинг ўзида ижобий ҳал этилди. Аксарият иш сўраб мурожаат қилган ёшларнинг 9 нафари турли корхона ва ташкилотларга ишга жойлаштирилди. 2 нафарига «Ёшлар дафтари» маблағлари ҳисобидан шартнома пуллари тўлаб бериладиган бўлди.

— Утган йили Учқудуқ sanoat

техникумини тамомлаганман, — дейди Навоий номидаги маҳаллада яшовчи Динислом Қаржаюв. — Шу вақт мобайнида иш қидираётгандим, бугун ёшлар марказида бўлиб ўтаётган сайёр қабулда иштирок этдим. Мутахассислигим бўйича тумандаги «Иссиқлик таъминоти» ДУКга ишга жойлашишга йўлланма берилди.

Албатта, ёшларнинг ҳар бир мурожаати ўз ечимини топиши лозим. Чунки ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири бор. Шу билан бирга, эътибордан четда қолган муаммо вақт ўтиб, янги муаммони пайдо қилишини унутмаслик зарур. Бу каби ҳолатларнинг олдини олиш учун туман раҳбарларининг жойлардаги сайёр қабуллари давом этмоқда.



Фуқаро мурожаати безътибор қолмайди

**МАҲАЛЛАДА
АҲОЛИНИНГ
РОЗИЛИГИНИ ОЛИШ,
МУАММОЛАРИГА ЕЧИМ
ТОПИШДА ЎЗИГА ХОС
ТАЖРИБА ЯРАТИЛГАН.
ҚУВОНАРЛИСИ,
БИРОР МАСАЛА,
ФУҚАРО МУРОЖААТИ
БЕЗЪТИБОР
ҚОЛМАЙДИ**



**БИТТА ФУҚАРОНИНГ ҲАЙДОВЧИЛИК
КУРСЛАРИДА ЎҚИШ ХАРАЖАТЛАРИ
ҚОПЛАНДИ. 2 НАФАРИГА САФАРБАРЛИК
РЕЗЕРВИ ХИЗМАТИ, 3 НАФАРИГА
КОНТРАКТ ТЎЛОВЛАРИ ТЎЛАБ БЕРИЛДИ.
ЯНА 2 НАФАР ФУҚАРОГА СУБСИДИЯ
АЖРАТИЛДИ. 2022 ЙИЛ ҲОЛАТИГА 6
НАФАР ХОТИН-КИЗ ЎЗ МУТАХАССИСЛИГИ
БЎЙИЧА ИШГА ЖОЙЛАНДИ, 13 НАФАРИ
КАСБГА ЎҚИТИШ КУРСЛАРИГА
ЙЎНАЛТИРИЛДИ, 23 НАФАРИ ЎЗИНИ ЎЗИ
БАНД ҚИЛДИ.**

Маҳаллалар бугун халқ ишонадиган ва сўянадиган тизимга айланиб бормоқда. Чунки ижтимоий ва иқтисодий ислохотлар биринчи навбатда маҳаллаларда амалга ошириляпти ҳамда унинг натижаси ҳам, энг аввало, айнан маҳаллаларда кўринмоқда. Энг муҳими, буни оддий одамлар ўз ҳаётида, тақдирида ҳис этишмоқда.

Олмазор туманидаги «Пахта» маҳалласи эришган натижалари, илғор тажрибалари билан мана шундай таърифга мос келади.

— Маҳалламиздаги 24 та кўчада 7 963 нафар аҳоли истиқомат қилади, — дейди маҳалла раиси Абдурашид Имомов. — Уларнинг яшаш шароитлари, муаммолари билан танишиш мақсадида тўлиқ хатлов ўтказдик. Шу асосида зарур ёрдамлар кўрсатилмоқда. Бугунги кун маълумотига кўра, «Темир дафтар»даги оилалар сони 3 та, «Аёллар дафтари»да 98 нафар хотин-қиз, «Ёшлар дафтари»да 9 нафар ёшларни ташкил этади. Асосий «драйвер»имиз хизмат кўрсатиш, мебель, эшик-ром ишлаб чиқариш, ошхона фаолияти, уйда чорвачилик қилиш ҳисобланади.

Маълумки, ҳар йили ноябрь

ойи «Кексалар учун туризм ойлиги» этиб белгиланган. Маҳалламизда ҳам кекса ва нурунийларни қўллаб-қувватлашга катта эътибор берилади. «Оқила аёллар» ҳаракати гуруҳи хотин-қизларнинг, ажралиш ёқасидаги ҳамда нотинч оилаларнинг муаммоларини ўрганиб, янги турмуш кураётган ўспирин қизлар билан давра суҳбатлари ўтказиб келяпти. Натижалар шунга мос. 2022 йилда маҳалламизда бирорта ажралиш ҳолати кузатилмади.

Барча ёш тоифасидаги фуқаролар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга интиляпмиз. Шу мақсадда доимий равишда спорт мусобақалари ўтказиб турилади. Натижаларимиз анча салмоқли, дейиш мумкин. Масалан, 2022 йилда ДХХ кубоги мусобақаларида муваффақиятли иштирок

этидик. Туман, шаҳар ҳамда вилоят босқичларида ғолибликни қўлга киритган энг кучли 28 та жамоа 22-26 август кунлари Тошкентдаги «Бунёдкор» футбол академиясига қарашли стадионда кубок учун ўзаро беллашади. Финал уйинлари 27 август куни пойтахтнинг «ЖАР» стадионида ўтказилди. Қувонарлиси, футбол баҳсларида маҳалламиз жамоаси ғолибликни қўлга киритди. Низомга кўра, маҳалламизга замонавий мини-футбол майдони қуриб берилди.

«Пахта» маҳалласида «бешлик» фаолияти ҳам яхши йўлга қўйилган. Ҳоким ёрдамчиси Азиз Муҳаммадхўжаев ташаббус билан тадбиркорлик истагини билдирган 16 нафар фуқарога имтиёзли кредит олишда кўмаклашилди. Бу маблағларга скутер, музлаткич, печь каби зарур жиҳозлар олиб берилди. Хотин-қизлар фаоли Муҳаррам Рафиқова томонидан 12 нафар «Аёллар дафтари»даги ишсиз хотин-қизга субсидия ажратилиб, бандлиги таъминланди, 82 нафар фуқаро ўзини ўзи банд қилди, 48 нафари касб-ҳунарга қайта ўқитилди.

«Аёллар дафтари»нинг 3-босқичида рўйхатга олинган 98 нафар хотин-қизнинг муаммолари ижобий ҳал этилди. Жумладан, 27 нафарнинг бандлиги таъминланди, 1 нафарига имтиёзли кредит олиб берилди. Маҳалладаги ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизлар, ногиронлиги бўлган аёлларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдамлар кўрсатилди. Тиббий ҳимояга муҳтож аёлларнинг 68 нафарига «Аёллар жамғармаси» ҳисобидан бир марталик моддий ёрдам ажратилди. Доно Дўстмухаммадовага даволаниши учун 3 млн. сўмлик дори-дармон олиб берилди. Гулнора

Муҳаммадалиева ҳамда Сурайё Абдукаримовга керакли ёрдам кўрсатилди. 2 нафар хотин-қиз ўзини ўзи банд қилган бўлса, 3 нафарига ҳунар ўрганиш учун ўқув курсларига йўлланма берилди.

Ёшлар етакчиси Нодир Тожибоев масъуллигида жорий йил ҳисобидан маҳалла ҳудудида яшовчи 9 нафар фуқарога ёрдам кўрсатилди. Жумладан, битта фуқаронинг ҳайдовчилик курсларида ўқиш харажатлари қопланди, 2 нафарига сафарбарлик резерви хизмати, 3 нафарига контракт тўловлари тўлаб берилди. Яна 2 нафар фуқарога субсидия ажратилди. 2022 йил ҳолатига 6 нафар хотин-қиз ўз мутахассислиги бўйича ишга жойланди, 13 нафари касбга ўқитиш курсларига йўналтирилди, 23 нафари ўзини ўзи банд қилди.

Бир сўз билан айтганда, маҳаллада аҳолининг розилигини олиш, муаммоларига ечим топишда ўзига хос тажриба яратилган. Эътиборлиси, бирор масаладаги фуқаро мурожаати безътибор қолмайди.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.

МАҲАЛЛАДА ШИМАГАШ?

Юксалаётган «Юксалиш»

Булоқбоши туманида уйма-уй юрган ҳолда аҳолини қийнаётган муаммолар ўрганилмоқда. Жумладан, 829 та хонадонда 1 293 та оила истиқомат қилувчи «Юксалиш» маҳалласида олиб борилган ишлар натижасида эҳтиёжманд ва кам таъминланган фуқароларга зарур ёрдам кўрсатилди, маҳалла инфратузилмасига доир масалаларга мутасаддилардан ечим сўралди.

— Ҳар бир хонадонга кириб, оила аъзолари билан яқиндан мулоқот қилдик, — дейди маҳалла раиси Авазбек Қодиров. — Уларни қийнаётган муаммоларни ҳал этишга доир таклифлари эшитилди. Урганишлар жараёнида Навқирон кўчасида яшовчи 1-гурӯх ногирони Шарофатхон

Мўйдиновага ногиронлик аравачаси, шу кўчада истиқомат қилувчи Арофат Эргашевага эшитиш мосламаси берилди. Шунингдек, ҳар икки оилага 500 кг.дан бепул кўмир ҳам етказилди. Мурожаатлар, таклифлар рўйхатга олиниб, ижроси бўйича сектор штабига топширилди. Электр энергияси ва сув муаммоси ижобий ҳал бўлди. Айни пайтда янги трансформатор ва бетон устунлар олиб келинди.

Бундан ташқари, маҳалла инфратузилмасини яхшилаш, йўл муаммосини ҳал этиш учун «Ташаббусли бюджет» лойиҳасига таклиф тайёрланяпти. Шу мақсадда аҳоли билан келишиб, 3 та кўча марказидаги 1,5 км. масофани асфальтлаш бўйича таклиф киритилади.

Мухбиримиз.



Аёллар даромадни ўз уйида топмоқда



1 КИЛОГРАММ ТИВИТ КАЛАВАСИДАН 10 ТА РЎМОЛ ТЎҚИШ МУМКИН. МАҲАЛЛАНИНГ УДДАБУРОН АЁЛЛАРИ МАҲАЛЛИЙ БОЗОРДАН ТАШҚАРИ БУЮРТМА АСОСИДА РЎМОЛ ТЎҚИБ, РЎЗФОРГА БАРАКА КИРИТЯПТИ

Мирзачўл туманида бугунги кунда 53 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Хотин-қизларга кўрсатилаётган эътибор тўғрисида аёлларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва мавқеини мустаҳкамлашга қаратилган ташаббуслар яхши самара бераётганини кўриш мумкин. Ўтган йили 794 нафар хотин-қизларнинг 150 нафарига субсидия асосида тикув машиналари берилди, 10 йилга 30 сотихдан ерлар ажратилди.

Биргина мисол, туманининг «Пахтазор» маҳалласида истиқомат қиладиган 12 нафарга яқин хотин-қиз хунарамандчилик бўйича Наманган туманида касб-хунарга ўқитилди. Эндиликда улар ўрганган хунарамандчилик унумли фойдаланишдан ташқари, ён-атрофдаги 12 та маҳалланинг мана шу соҳага қизиққан аёлларини ўргатишяпти. Бир-бирлари билан тажриба алмашиб келишяпти.

— 2022 йил иш бошлаган бўлсам, дастлаб маҳалладаги хотин-қизларнинг ижтимоий аҳолини ўрганиш учун хатлов қилдик, — дейди «Пахтазор» маҳалласининг хотин-қизлар фаоли Наргиза Юсупова. — Жараёнда ишсиз, аммо касб ўрганиш иштиёқидаги бир неча аёллар хунарамандчилик истагини билдирди. Уларнинг рўйхатини шакллантириб, туман ҳокимига тақдим этдик. Таклифимизни туман ҳокими қўллаб-қувватлади ва шу мақсадда Наманган вилоятига боришимиз учун керакли маблағ ажратилди. Тез кунда туман ҳокимлиги мутасаддилари билан бирга аввал вазиятини ўрганиб, ҳамкорликка келишиб

қайтдик. Кейин таҳлиллар билан туман ҳокимига ўзим учрашдим. Ҳоким ташаббусимни маъқуллаб, зарур маблағ берди. Уқишга бориб, рўмол тўқиш сирларини тўлиқ ўрганиб келдик. Ҳокимлик маблағи ҳисобига хомашё олиб, шу ерда аёлларимиз амалиёт ўташди. Сўнг наманганлик уста-хунарамандларни маҳалламизга таклиф қилдик. Бу жараёнда бошқа маҳалла вакиллари ҳам касб-хунарамандчилик ўрганди. Қувонарлик, ишлаб чиқариш дастгоҳлари ҳам ҳокимлик маблағи эвазига сотиб олинди.

Мавлуда Солиева эҳтиёжманд оила вакили эди. Эндиликда ўзининг ҳаракати ва шижоати билан моддий эҳтиёжини таъминлаш имкониятига эга бўлди.

Унинг айтишича, 1 килограмм тивит калавасидан 10 та рўмол тўқиш мумкин. Маҳалланинг уддабурон аёллари маҳаллий бозордан ташқари буюртма асосида рўмол тўқиб, рўзфориغا барака киритяпти. Даромад шунга яраша салмоқли бўлмоқда. Энг муҳими, уйда ўтириб маблағ топишяпти.

— Уйда ўтириб ҳам оила, рўзгор ишларини қиласиз, ҳам

даромад топасиз, — дейди М. Солиева. — Бугун фақатгина шу рўмол тўқиш билан тўхтаб қолмаяпмиз. Ўз устимизда ишлаб, қўшимча хунарамандчилик ўрганишяпти. Масалан, каштачилик, қурама ва тўқимачилик билан шуғулланяпмиз. Бу хунарамандчилик аёлларга ўргатилган. Маҳсулотларимиз бугун ички бозорда жуда харидорлиқ.

Албатта, касб-хунарамандчилик инсон учун зарур эҳтиёж. Инсон ўз хунари билан моддий эҳтиёжини таъминлаб, турмуш фаровонлигига эришади. «Пахтазор»лик аёллар ана шу қоидага амал қилиб, вақтларини бесамар ўтказишмаяпти. Фаолиятлари фақат рўмол тўқиш билан чекланмай, қуроқчилик буюмлари, бежирим дастурхонлар тикиб, тайёрлаш билан кенгаймоқда.

— Қизларнинг сепига қуроқ эстиқларни, фартуқларни, дастурхонларни тикаман, — дейди Озода Хожмонова. — Бундан топган даромадим оиламиз бюджетига ёрдам бўлмоқда. Узим 2-гурух ногирони бўлсам-да, тикан буюмларимни сотиш билан бирга касб сирларини маҳалладашларимга ўргатиб келмоқдаман.

Хотин-қизларни касб-хунарамандчиликка ўқитиш, бу орқали уларнинг бандлигини таъминлашга қаратилган ижобий ташаббуслардан яна бири тумандаги «Мирзадала» маҳалласида касб-хунарамандчилик маркази ташкил этилгани бўлди. Бу ерда касаначилик йўналишида каштачилик, тикувчилик йўналишларини ўргатиш йўлга қўйилган. Эътиборлиси, Бухоро вилоятидан уста-хунарамандлар жалб қилиниб, тумандаги хотин-қизларга каштачилик, тўқувчилик ва чўпон тикиш сирларини ўргатишди.

— Бухоро вилояти Жондор туманидан келиб, бу ерда аёлларга касб ўргатилди, — дейди бухоролик хунараманд Шаҳноза Шарипова. — Келажакда биргаликда ҳамкорлик қилиш ниятимиз бор. Марказга биринчи куннинг ўзиде 50 нафарга яқин хотин-қиз келиб, аъзо бўлишди. Эндиликда уларнинг сони яна ошиши режа қилинган.

Эътиборлиси, бу каби ташаббуслар натижасида маҳалладаги ишсиз аёллар бандлиги таъминланиб, рўзғори бутланмоқда.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.

МАҲАЛЛАДАНИМАГАН?

Йиғинларга янги бино қурилмоқда



Давлатобод туманида ташкил этилган ишчи гуруҳи «Ирвадон» ҳамда «Гулобод» маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудидаги муаммоларни ўрганиш ва тезкор ҳал этиш мақсадида «маҳаллабай» иш олиб бормоқда.

«Ирвадон» маҳалласининг биноси Президентимизнинг «2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча

чора-тадбирлар тўғрисида» қарори асосида бунёд этилмоқда. «Гулобод» маҳалласининг биноси «Асака банк» Наманган шаҳар бўлими билан ҳамкорликда давлат-хусусий шериклик асосида қурилмоқда.

Амалга оширилаётган ишлар, ободонлаштириш ҳамда хизмат бинолари қурилиш жараёни билан танишув асосида масъуллар ишларни янада сифатли ва тез яқунлаш бўйича тавсиялар беришди.

Шунингдек, ўрганишлар давомида «Ижодкор» ва «Орзу» маҳалла фуқаролар йиғинлари аҳолисига тоза ичимлик сув етказиб бериш билан боғлиқ масала ҳал этилди. Сабаби, аномал совуқ натижасида сув тармоқларида музлаш ва ёрилиш кузатилганди. Мутахассислар иштирокида носозлик бартараф этилиб, музлаган тармоқларда таъмирлаш ишлари олиб борилди.

Муҳибиримиз.



«Драйвер» соҳалар маҳаллага барака киритяпти

ЯҚИН-ЯҚИНГАЧА ЙЎЛЛАР НОСОЗЛИГИ, ИНФРАТУЗИЛМА ЁМОНЛИГИДАН ОДАМЛАР АЗИЯТ ЧЕКАРДИ. МАНА ШУ КУНЛАРДА БАРЧА ҚИЙИНЧИЛИКЛАР ТАРИХГА АЙЛАНДИ. АМИР ТЕМУР НОМИДАГИ МАҲАЛЛА МУТЛАҚО ЯНГИ ҚИЁФА КАСБ ЭТМОҚДА

Президентимизнинг 2022 йил 25 октябрь санасидаги «2022–2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан, Сирдарё вилояти секторлар раҳбарлари бошчилигида ишчи гуруҳлари тузилиб, «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастури асосида бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда.

Қарор талабидан келиб чиқиб, инсон қадрли улугʻланган юртимизда асосий эътибор — фуқароларга шарт-шароит яратиш, кундалик ва маиший, коммунал ҳамда маҳаллалар инфратузилмасини яхшилашга қаратилмоқда. Жумладан, бу борада барча туманлардаги маҳаллаларда йўллар ҳолатини яхшилаш, тупроқли йўлларга тош-шағал ётқизиш ишлари жадал тус олган. Қилинган ишлар самараси бугун чекка-чекка ҳудудлардаги аҳоли пунктларида барпо этилаётган замонавий уй-жойлар, таълим муассасалари, дам олиш масканлари ҳудудлардаги аҳоли пунктларининг янги қиёфасида ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда.

Одамларнинг ҳаётдан мам-

нунлиги, шаҳарлардагидек қулайлик ва имкониятларга эга бўлган замонавий масканларда яшаётганидан шодонлик ҳисси замирида бир ҳақиқат — қишлоқларни обод қилиш йўлидаги ислохотлар ётибди, десак муболаға бўлмайди.

Айни кезде бизнинг Амир Темур номидаги маҳалла ҳам мутлақо янги қиёфа касб этмоқда. Бу одамлар ҳаётига янги руҳ олиб кирмоқда, десак хато бўлмайди. Жараёнларда барча соҳа вакиллари, фуқаролар фаол иштирок этмоқда.

Яқин-яқингача йўллар носозлиги, инфратузилма ёмонлигидан одамлар азият чекарди. Мана шу кунларда барча қийинчиликлар тарихга айланди. Маҳалламизнинг ички йўллари шағаллаштирилди. «Обод

маҳалла» дастури доирасида маҳалла учун янги замонавий бино қуриб берилди. Натижада бугунги кунда барча шароитларга эга бинода ишляпмиз. Бу иш самарадорлигига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда, албатта. Ҳар бир мурожаатчи билан бевосита ишлаш, дардини тинглаш, керак бўлса, жойида ечим топиш имконияти мавжуд.

Қувонарлиси, қурилиш-ободонлаштириш жараёнида ҳудудда «Ёшлар sanoat зонаси» ташкил этилди. Турк тадбиркорлари билан ҳамкорликда 200 та иш ўрнига мўлжалланган «EFE BEY» тикув цеҳи фаолиятини бошлади. Маҳалла ҳудудида яшовчи мактаб ўқувчилари сифатли таълим-тарбия олиш учун замонавий ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби қурилиши бошланди. Ушбу мактаб 264 нафар ўқувчига мўлжалланган бўлиб, лойиҳа қиймати 12,5 миллиард сўмни ташкил этади. Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида 5та «Workout» майдончалари бунёд этилди.

«Юқсалиш бошқарув сервис компанияси» ҳомийлигида маҳалламиз ҳудудида истиқомат қилувчи фуқароларга қулай шарт-шароит яратиш мақсадида кўп қаватли уйларнинг туташ қисмида 1 500 метр узунликда бетон қопламали пиёдалар юриш йўлаги барпо этилди. Шунингдек, дастур ижроси доирасида кўп қаватли уйларнинг 2 000 м.кв. том қисми жорий таъмирланди. 5 та кўп қаватли уйнинг ер тўла қисмлари тартибга келтирилди. 2 та болалар майдончалари қурилди.

Кўп қаватли уйлар олд қисмининг 3000 кв.м. бетон қопламалар билан қопланди. 5 та кўп қаватли уй тўлиқ, 12 та уйнинг кириш йўлакларини жорий таъмирланди, 6 та уйнинг хонадонлари янги ичимлик сув тизимига уланди. Уйларнинг олд қисмига жами 62 та замонавий ўриндиқлар ўрнатилди. Ички йўлларнинг 0,5 км. асфальтланди. Кўп қаватли уйларнинг олд қисмига 35 та тунги ёритиш чироқлари ўрнатилди. Эътиборлиси, 2023 йилда яна

бу ишлар давом этади ва 6 та болалар майдончалари қуриш режалаштирилган.

Шу ўринда маҳалламизда бошқа йўналишлардаги ишлар ҳақида ҳам қисқача тўхталиб ўтишни лозим топдим. Жумладан, ишсизликни бартараф этиш учун маҳалланинг «Ўсиш нуқтаси»ни аниқлаб олганмиз. Яъни «драйвер»имиз — савдо ва хизмат кўрсатиш соҳалари ҳисобланади. Шу йўналишдаги ҳаракатларимиз натижасида қўшимча иш ўринлари яратдик. 2022 йилда жами 221 нафар ишсиз аҳолининг бандлиги таъминланди.

Биз сўз билан айтганда, халқимизнинг бунёдкорлик ва яратувчилик салоҳияти натижасида маҳалла ва қишлоқларимиз кундан-кун чирой очмоқда. Маҳалламиз кўчалари равон, обод ҳамда кўнгиллар мунаввар бўлмоқда.

Темур ҚУРБОНОВ,
Ширин шаҳридаги Амир Темур номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

МАҲАЛЛАДАНИМАГАН?

Маҳаллада халқаро семинар ўтди

Жаҳон банки вакиллари иштирокида Зомин туманидаги «Пешагор» маҳалласида «Қишлоқ аёлларининг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш» лойиҳаси доирасида учрашув ўтказилди.

Унда ҳоқим ёрдамчиси Бобур Умурзоқов «Пешагор» маҳалласи ҳудуди, аҳолиси, географияси, «драйвер»и, бандликни таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш йўналишида амалга оширилаётган ишлар юза-

сидан маълумот бериб ўтди.

Бу орқали келгусида Жаҳон банки вакиллари томонидан ушбу ҳудудда яшовчи дафтарларда рўйхатда турадиган хотин-қизларнинг тадбиркорлик йўналишидаги билим ва кўникмаларини ошириш юзасидан амалга оширилаётган ишлари белгилаб олинди.

— Бугунги кунда маҳалламизда ўз оиласи иқтисодини яхшилаш, қўшимча даромадга эга бўлиш, имкониятлардан самарали фойдаланиш, тадбиркорлик фаолиятини

бошлаш истагидаги аёллар кўпчиликни ташкил этади, — дейди маҳалла раиси Сафар Эргашев. — Уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бизнинг муҳим вазифамиз. «Қишлоқ аёлларининг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш» мавзусидаги амалий семинар айни шу мақсадга қаратилгандир.

Учрашув давомида меҳмонлар ҳудудда амалга оширилган ишлар билан таништирилди.

Мухбиримиз.



БУГУНГИ КУНДА МАҲАЛЛАЛАРДА АҲОЛИ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ЯХШИЛАШ, УЛАРНИНГ ДОИМИЙ ВА ҚЎШИМЧА ДАРОМАД МАНБАИГА ЭГА БЎЛИШИГА ШАРОИТ ЯРАТИШ, ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БОРАСИДА КЎПЛАБ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛЯПТИ. БУНГА ҚЎШКЎПИР ТУМАНИДАГИ «ХОНОБОД» МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИГИНИДА ТАДБИРКОРЛИККА ВА ТОМОРҚАЧИЛИККА КЕНГ ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛАЁТГАНИ МИСОЛ БЎЛА ОЛАДИ.

Самарасиз ҳаракат, бекор юрган одам йўқ



ХОНОБОДЛИКЛАРНИНГ АЖОЙИБ ОДАТИ БОР: ЯНГИ ОИЛАГА АТАЛГАН ТОМОРҚА ЕРГА УЙ ҚУРИШДАН ОЛДИН ИССИҚХОНА ҚУРИБ, ЁШ ОИЛАГА АСОСИЙ ДАРОМАД МАНБАИ ТАШКИЛ ҚИЛИНАДИ. ШУНДА ЯНГИ ОИЛАЛАРДА ИҚТИСОДИЙ, ИЖТИМОИЙ ТУРМУШ МАСАЛАЛАРИДА ҲЕЧ ҚАНДАЙ МУАММО ЮЗАГА КЕЛМАЙДИ

Маҳалла раиси Улуғбек Абдуллаевнинг айтишича, йиғинда 1 005 та хонадонда жами 5 803 нафар аҳоли истиқомат қилади. Улардан 60 фоизи ўзини ўзи банд қилган ҳолда тадбиркорлик ва томорқачилик билан шуғулланиб келмоқда. Шу орқали аҳоли ўз оилаларига қўшимча даромад киритиб, моддий таъминоти яхшиланишига ҳисса қўшиб келяпти.

Фуқаролар йиғинида ҳоким ёрдамчиси Соҳиба Юсупова томонидан ойма-ой амалга ошириладиган ишлар режаси ишлаб чиқилган бўлиб, маҳалла кўмаги билан ишсиз, ўз даромадини кўтариш истагида бўлган фуқароларга ижара асосида 0,15 сотихдан ер ажратиб берилган. Уларнинг тадбиркорлик билан шуғулланишига имконият яратилган. Ҳар мавсумда сабзавот маҳсулотларини етиштириб, даромад топишяпти.

— *Томорқамда полиз маҳсулотларини етиштириб, бозорга чиқариб пуллардим, — дейди Тонг юлдузи кўчасида яшовчи Нодира Ҳайитбоева.* — Томорқам кичкина бўлгани боис кўп маҳсулот етиштириб оламасдим. Тадбиркорлигимни кенгайтириш мақсадида ҳоким ёрдамчиси кўмаги билан қўшимча ер олдим ва мавсумий

полиз маҳсулотларини етиштириб, ички бозорни сабзи, пиёз, картошка, шолғом маҳсулотлари билан таъминлаяпман. Бунинг орқасидан оиламга қўшимча йилига 10-15 миллион даромад киритяпман.

Айтиш керакки, йиғинда биронта бекор, бесамар юрган одам учрамайди. Ҳамма ўзини ўзи иш билан таъминлаб, оила даромадига ҳисса қўшиб келмоқда. Маҳалланинг Умидбахш кўчасида истиқомат қилувчи Инобат Матчоновна ҳоким ёрдамчиси кўмаги билан субсидия асосида 1 сотих ер майдонида иссиқхона ташкил қилиб, томорқасидан мўмай даромад топиб келаётир. Етиштирган турли полиз маҳсулотлари билан нафақат ички, балки хориж бозорлари тўқинлиги таъминланяпти. Баҳор яқин. Тадбиркор иссиқхонасида помидор, бодринг, исмалоқ маҳсулотларини етиштириб, аҳоли эҳтиёжини сифатли маҳсулотлар билан қондирмоқда.

— *Бошқа касб билан шуғулланмаймиз, бор даромадимиз иссиқхонадан, — дейди Инобат Матчоновна.* — Тўйларимиз ҳам, уйларимиз ҳам пешона теримиз билан топилган даромад эвазига бўлади. Меҳнат қилган одам роҳатини кўради. Йилига томорқамда



ҲОКИМ ЁРДАМЧИСИ КЎМАГИ БИЛАН МАҲАЛЛАДА ДОИМИЙ ДАРОМАД МАНБАИГА ЭГА БЎЛМАГАН ҲАМДА ИШСИЗ ЮРГАН 70 НАФАР ФУҚАРОГА ЖАМИ 1 350 МИЛЛИОН СЎМ ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТЛАР ОЛИБ БЕРИЛИБ, ТАДБИРКОРЛИК БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШЛАРИГА КЎМАКЛАШИЛМОҚДА. ЖУМЛАДАН, САХОВАТ КЎЧАСИДА ЯШОВЧИ МАНСУР ХУДОЁРОВ 30 МИЛЛИОН ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ ЭВАЗИГА 30 ТА АСАЛАРИ УЯСИНИ ОЛИБ, ЎЗ БИЗНЕСИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙГАН.



ташкил қилган иссиқхонамда икки марта кўкат, бир марта помидор ва бодринг етиштираман. Хуллас, йил давомида ер бўш турмайди, ўзимиз ҳам тинмаймиз. Аини пайтда 1 сотих ерда бодринг, яримида помидор етиштиряпмиз. Бу йилги ҳосилдан 10-15 миллион сўм атрофида даромад қилишни мўлжаллаб турибмиз. Насиб этса, даромадимиздан тўнғич ўғлимга уй қураимиз.

Хонободликларнинг ажойиб одати бор экан. Янги оилага аталган томорқа ерга уй қуришдан олдин иссиқхона қуриб, ёш оилага асосий даромад манбаи ташкил қилинар экан. Маҳалла раисининг таъкидлашича, бу орқали оилаларда иқтисодий, ижтимоий турмуш масалаларида ҳеч қандай муаммо юзага келмас экан. Чунки оила аъзоларининг ҳаммаси иш билан банд, доимий даромад манбаи эга. Ортиқча вақт бўлмаганидан кейин ўринсиз баҳс-мунозара ҳам бўлмайди-да. Қўли ишламаган одамнинг тили кўп ишлаши оқибатида оилада турли гап-сўзлар юзага келади-да, дейишади хонободликлар.

Бундан ташқари, ҳоким ёрдамчиси кўмаги билан маҳаллада доимий даромад манбаи эга бўлмаган ҳамда ишсиз юрган 70

нафар фуқарога жами 1 350 миллион сўм имтиёзли кредитлар олиб берилиб, тадбиркорлик билан шуғулланишларига кўмаклашилмоқда. Жумладан, Саховат кўчасида яшовчи Мансур Худоев 30 миллион имтиёзли кредит эвазига 30 та асалари уясини олиб, ўз бизнесини йўлга қўйган.

— *Асаларичилик қилишга аввалдан қизиқар эдим, — дейди Мансур Худоев.* — Аввал асаларичилик сирларини пухта ўргандим: уларни қандай парвартириш керак, совуқдан қандай асраш кераклигини суриштирдим. Шундан сўнг 30 та асалари уясини имтиёзли кредит эвазига олиб, асаларичиликни йўлга қўйдим. Бошланишига йилига ўртача 20-30 миллион даромад қияпман ва оилам даромадига қўшимча ҳисса қўшяпман.

Умуман олганда, бугун маҳаллада бекор юрган одамларни учратмайсиз. Ҳамма ўзини ўзи банд қилган ҳолда кичик бўлса-да, тадбиркорликни йўлга қўйган. Маҳалла раиси ва ҳоким ёрдамчиси кўмаги билан қилинаётган ишлар аҳоли фаровонлиги учун замин яратмоқда.

Мансурбек ЖАББОРОВ.

МАҲАЛЛАДАНИМАГАН?

Ўқувчининг илтимоси рад этилмади

Навоий вилояти ҳокимининг ҳар кунлик иш тартиби ҳудуд аҳолисининг бандлигини таъминлаш, ёшлар ва хотин-қизларга яратилган шароитларни янада яхшилаш, тадбиркорлик субъектлари дуч келаётган муаммоли ҳолатларни бартараф этиш, пировардида, ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ривожланишини жадаллаштиришдан иборат.

Куни кеча вилоят раҳбари Навоий шаҳрида жойлашган «Ишга марҳамат» мономарказига ташриф чоғида Навбахор туманидаги 5-умумтаълим мактабининг 10-синф ўқувчиси Баҳора Шарипова вилоят раҳбаридан ўзи тахсил олаётган таълим муассасасига таклиф қилди. Шунга асосан, вилоят ҳокими Н.Турсунов Навбахор туманидаги «Арабхона» маҳалласи ҳудудида жойлашган мактабга ташриф буюриб, яратилган шароитлар билан танишди.

— *Навоий шаҳридаги мономарказда япон тилини ўрганаман, — дейди Баҳора Шарипова.* — Келажакда Японияда ўқиш ниятим бор. Куни кеча мономарказда вилоят ҳокими Нормат Турсуновга мактабимизга боришларини сўрагандим. Таклифдан мақсад — мактабда педагог ва ўқитувчилар учун яратилган шароитлар, мавжуд айрим

муаммолар билан яқиндан таништириш билан бирга, вилоят раҳбарининг ташрифи ўқувчиларга мотивация бағишлайди. Вилоятимиз раҳбарининг таклифимни қабул қилганларидан жуда хурсандиман ва ўйлайманки, мактабимизда ташрифдан сўнг янада ўзгаришлар катта бўлади.

Ташриф доирасида вилоят ҳокими ўқувчиларга сифатли ва замонавий усулларда таълим бериш бўйича мунтазам шуғуланишлари лозимлиги ва бу давлатимизга етук кадрларни етиштириб беришга хизмат қилишини таъкидлади. Мактабда ўқувчиларнинг спорт билан шуғулланиши, турли хил маънавий-маърифий тадбирларни ўтказиш имкониятини кенгайтириш, шунингдек, лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш, кутубхона бойитиш борасида кўмаклашишга ваъда берди.





«Иссиқхона ортидан уйлар қурдик, тўйлар қилдик»



АҲОЛИГА ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИГИ ТАШКИЛ ЭТИШ УЧУН АЖРАТИБ БЕРИЛГАН ЕР МАЙДОНЛАРИ ҲАЖМИ 809 ГЕКТАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛАДИ. БУ 4 206 НАФАР АҲОЛИ ИШЛИ БЎЛИШНИ БИЛДИРАДИ. АГАР УЛАРНИНГ ОИЛА АЪЗОЛАРИ БИЛАН ҚЎШИБ ҲИСОБЛАСАК, ҚАРИЙБ 8 МИНГ НАФАР АҲОЛИ БАНДЛИГИ ТАЪМИНЛАНДИ, ДЕГАНИ

Маҳалла тизимида олиб борилаётган ислохотлар тўғрисида тизим нўфузи ошиб, халқ билан давлат ўртасидаги кўприкка, одамларнинг қувончу ташвишлари, муаммоларига ечим топадиган, ташаббусларини қўллаб-қувватлайдиган масканга айланмоқда. Жумладан, ҳар бир маҳалланинг «ўсиш нуқталари» аниқланиб, ўша соҳага ихтисослаштирилмоқда.

Иқтисодий ривожлантиришдаги камчилик ва тўсиқларни бартараф этиш, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш объектларининг узлуксиз фаолият юритиши, «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га киритилган оилалардаги ишсизлар бандлигини таъминлаш сингари муҳим вазифаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада Андижон вилоятидаги маҳаллаларда ўзига яраша тажриба яратилган.

Бу ҳақда сўз кетганда, айтиш керакки, Олтинқўл туманидаги маҳаллаларда яшовчи аҳоли орасида томорқачиликдан яхшигина даромад топаётган юртдошларимиз кўпчилигини ташкил этади. Масалан, «Чўнтак» маҳалласининг аксар аҳолиси иссиқхонада фаолият олиб боради. «Ўсиш нуқтаси» айнан шу йўналиш этиб белгиланган. 625 та хонадоннинг 450 тасида иссиқхоналар мавжуд.

Давронбек Олимов шу йиғин ҳудудида яшайди. Бугун уларнинг рўзғори бут, ўзига тўқ.

Сабаби, бу хонадон аъзолари томорқадаги 10 сотихлик иссиқхонада помидор етиштириш ва уларни эрта баҳордан бошлаб бозор расталарига пешма-пеш етказиб бериш билан шуғулланиб келади. Йилига 30 миллионгача даромад топмоқда. Эътиборлиси, 3 нафар оила аъзоси ҳам шу ерда иш билан банд.

— Иссиқхоналар орқали ишсизликни тугатишга эришяпмиз, — дейди маҳалла раиси Дилшодбек Олимов. — Ҳудудда 625 та хонадон бўлса, уларнинг 450 таси айнан иссиқхонага ихтисослаштирилган. Эҳтиёжманд, кам таъминланган оилаларга субсидия асосида иссиқхоналар қуриб бериляпти. Масалан, 2022 йил охирида 3 нафар маҳалладошимизга 1 сотихлик иссиқхона қуриб бердик. Уларнинг ҳар бирига 8 миллион сўмдан маблағ сарфланди. Яна бир маҳалладошимиз А.Жалилов бўлиб, бу инсон бугун оддий ҳаваскорликдан намунали томорқачи даражасига эришди. У 4 сотих томорқасида гуллар парваришлаб, йилига 30 миллион

сўмгача даромад топяпти.

Ҳақиқатан ҳам, Жалиловлар хонадонига борсангиз, иссиқхоналардаги манзара йилнинг хоҳлаган пайтида киши кўнглига гўзаллик бахш этади. Иккита 2 сотихлик иссиқхонага экилган ҳамда парваришланаётган гулларни санаб, саноғига етиб бўлмайди. Турфа кўринишдаги турли гуллар ичида кезиб юрар экансиз, қиш фаслида ҳам баҳорий тароватни ҳис этасиз.

Дастлаб 30 дона гул парваришладан иш бошлаган қаҳрамонимиз уларга бўлган меҳри, энг асосийси, даромаднинг чўғи баландлиги сабаб йиллар давомида фаолиятини кенгайтирди. Ҳозирда турли давлатлардан келтирилган минглаб ноёб гуллар мана шу иссиқхоналарда ўстирилмоқда. Ушбу тадбиркорни нафақат олтинқўлда, балки бутун андижонда яхши танишади. У парваришляётган декоратив ва хонаки гулларга бўлган талаб катта.

— Гулчилик билан 10 йилдан бери шуғулланаман, — дейди

А.Жалилов. — Турли-туман гул навлари бор. Гулчилик ортидан уйлар қурдик, тўйлар қилдик. Бу йилги даромаддан автомашина сотиб олиш ниятимиз бор. Оила аъзоларимиз билан бирга барчамиз шу ерда бандмиз. Фаолиятимизни янада кенгайтиришни режа қиляпмиз.

Бугун бу иссиқхоналар изланувчан тадбиркор учун кичиклик қилиб қолди. Энди у уста деҳқон йўналишида фаолиятини кенгайтирмоқчи. Яъни 20 нафар маҳалладошига ҳам амалий ёрдам кўрсатишни режалаштирган.

Маълумотларга кўра, Олтинқўл туманидаги маҳаллаларда ўрганишлар асосида аҳолига деҳқон хўжалиги ташкил этиш учун ажратиб берилган ер майдонлари ҳажми 809 гектарни ташкил қилмоқда. Бу 4 206 нафар аҳоли ишли бўлишини билдиради. Агар бу фуқароларнинг оила аъзолари билан қўшиб ҳисобласак, қарийб 8 минг нафар аҳоли бандлиги таъминланди, деганидир.

Мухбиримиз.

МАҲАЛЛАДАНИМАГАН?

Бир кунда 10 дан ортиқ муаммо ҳал этилди

Ёзёвон туманида барча соҳа вакиллари, мутасаддиларнинг ҳудудларга чиқиб, муаммоларни жойида ўрганиши, аҳоли вакиллари билан суҳбатлашиши анъананга айланган. Бу сафарги манзил «Иштирхон» маҳалла фуқаролар йиғини бўлди.

Мазкур маҳалла Тошлок туманига туташ бўлиб, аҳолиси тадбиркор. 593 та хўжаликдаги 900 оилада 3 025 нафар аҳоли яшайди. Туман мутасаддилари, коммунал хизмат кўрсатиш ва бошқа ташкилотлар ходим-

ларидан иборат ишчи гуруҳ маҳалланинг Бобур кўчасидаги вазиятни ўрганди. Кўча шағаллаштирилган. Лекин электр тармоқлари қўлбола симёғочларда тортилган. Кўча аҳолисининг тоза ичимлик сув билан таъминловчи қудуқ насосини «Сувоқава» туман бўлими ходимлари олиб кетишган. Ҳар икки муаммони шу ернинг ўзида бартараф этиш бўйича топшириқ берилди.

Моҳигул Нурматованинг умр йўлдоши Сарваржоннинг анча йиллардан буён жигари хаста. Шу куни оила 500 кг. бепул кўмир, даволаниши зарур дори-дармон би-

лан таъминланди. Нодирбек Аъзамовнинг томорқасидан ўтган юқори кучли электр симлари кўчирилди. Ҳавохон Султоновага даволаниши учун тиббиёт бирлашмаси орқали ёрдам кўрсатиладиган бўлди. Хонадоннинг коллеж битирувчиси бўлган қизини иш билан таъминлаш учун тикув машинаси, 500 кг. бепул кўмир берилди.

Бир кунда ўндан ортиқ муаммо ижобий ҳал этилган бўлса, ижроси муддат талаб қиладиган масалалар назоратга олинди.

Мухбиримиз.





Андижон вилоятининг Асака, Булоқбоши ва Жалақудуқ туманларида 9 минг гектар, хусусан, 2,4 минг гектар аҳоли хонадонларида узум етиштириш бўйича ўзига хос тажриба йўлга қўйилган. Хусусан, Булоқбоши туманида «маҳаллабай» ишлаш тизими асосида ҳар бир маҳалланинг ўсиш нуқталари, яъни «драйвер» йўналиши белгилаб олинган. Бунда аҳолининг узумчилик соҳасидаги тажрибасидан келиб чиқиб, 11 та — «Тошкечик», «Учкўча», «Буюк Турон», «Қумгузар», «Фаровон», «Хонтепа», «Гулистон», «Боймаҳалла», «Юксалиш», «Шоҳгузар» ва «Дўлана» маҳаллалари узум етиштиришга ихтисослаштирилди.

Узумчиликда «Андижон тажрибаси» қандай самара беряпти?

2021-2022 йил давомида тумандаги 21 та маҳалланинг 40 та кўчасида 982 та хонадонга 6,8 миллиард сўм кредит эвазига 26 километр узунликдаги узум ишқомлари барпо этилди. ҲАР БИР ОИЛА ЙИЛИГА ўртача 10 миллион сўмдан 45 миллион сўмгача даромад топади

26 КИЛОМЕТРЛИК УЗУМ ИШҚОМЛАРИ ҚУРИЛДИ

Маҳаллалардаги қай бир хонадонга кирманг, деярли барча хонадонда, албатта, сўлим сўрилар ҳовлиларга соя-салқинлик бахш этаётганини, тоқларда узумнинг турли навлари кўзингизни яшнатиб, осилиб турганини кўрасиз. Гектарлаб ер майдонларида тонналаб етиштирилатган узумлар ёздан токи кеч кузгача, ҳатто қаҳратон қишда ҳам дастурхонларимизни тўлдириб, танимизга шифо улашади.

Маълумотларга кўра, аҳоли хонадонларининг ҳар бирида йилига 2 тоннадан 10 тоннагача ҳосил етиштирилади. Бу билан миришкорлар узум етиштиришдан йилига ўртача 20-25 миллион сўм даромад олади. Умуман, юқорида қайд этилган маҳаллалар аҳоли хонадонларидаги мавжуд 323 гектар томорқа майдонидан ўтган йили 7 минг тоннага яқин узум етиштирилди.

Айтиш керакки, бугун юртимизнинг кўпгина ҳудудларида узумчиликни ривожлантиришда «Андижон тажрибаси» сифатида кўчаларга сўри тоқлар қурилатгани юқори самара бераётир. 2021-2022 йил давомида тумандаги 21 та маҳалланинг 40 та кўчасидаги 982 та хонадонга 6,8 миллиард сўм кредит эвазига 26 километр узунликдаги узум ишқомлари барпо этилди. Қурилган сўри тоқларнинг маълум қисмига янги кўчатлар ўтказилди. Ана шу кўчатлар ҳосилга киргач, яна 2 минг тонна қўшимча ҳосил олиш имкони беради.

Ушбу тажрибани 2023-2025 йилларда давом эттириб, яна 20 километр ички йўлларга иш-

қомлар қуриш орқали 300 гектар янги тоқзорлар яратилиши кўзда тутилган. Ҳозирда аҳоли хонадонларида 30 минг тупдан ортиқ узумнинг серҳосил навлари қаламчалари етиштирилмоқда.

ТОҚ ҚАЛАМЧАЛАРИ ҚАНДАЙ ЕТИШТИРИЛАДИ?

Миришкорларнинг айтишича, қаламчалар тоқ кесиш вақтида: октябрь-ноябрь ўрталарида тайёрланади. Тоқлар кўмилмайдиган жанубий вилоятларда баҳор фаслида, кўртаклар уйғонмасдан олдин ҳам тайёрлаш мумкин. Қаламчаларнинг узунлиги одатда 50-60 см., йўғонлиги эса кучли ўсадиган хўраки ва кишмишбоп навларида («Хусайни», «Тойифи», «Каттақўрғон», «Қора кишмиш», «Оқ кишмиш») 6-13 мм., ўртача ва кучсиз ўсувчи навларда («Саперавий», «Мускат», «Венгер мускати») 510 мм. бўлиши лозим.

Қаламча тайёрлашдан олдин новданинг барглари ва уч қисми олиб ташланади. Қаламчалар новданинг ўрта қисмидан 2-3 кўртакли қилиб тайёрланади. Қаламчалар 100 ёки 200 тадан қилиниб, икки томонидан боғланади. Улар баҳорда экилгунгача махсус хандақларда сақланади. Хандақлар чуқурлиги 65-70 см., эни 120-150 см. қилиб қазилади. Бўйи қаламчалар сонига қараб белгиланади. Қаламчалар узоқ сақланган сари таркибидаги озиқ моддаларнинг камайиб бориши ҳисобига улар баҳорда суст ривожланиши, илдиз чиқариш қобилияти пасайиб кетиши мумкин. Бунинг олдини олиш учун хандақлардаги намлик мўътадил, ҳарорат эса 4-6°C

дан ошмаслиги лозим.

Баҳорда, март ойининг охирида экишдан олдин кўмилган қаламчалар кўлаб олинади. Яхшилари пастки кўртак остида кесиш янгиланади. Сўнг улар чуқурлиги 70 см. бўлган хандақларга жойлаштирилади. Устига 100 см. қалинликда тупроқ солинади. Тупроқ устига майда чириган гўнг тўкилиб, ёпиб қўйилади. 12-15 кундан сўнг тупроқ қатламнинг 16-20°C гача иситиш натижасида қаламчаларнинг кесилган жойида майда сарғиш-оқ ғуддалар пайдо бўлади.

СўРИ ТОҚ УСУЛИ ҚАНЧАЛИК САМАРАЛИ?

Юқорида «Андижон тажрибаси» ҳақида сўз очдик. Сўзимизни давом эттириб айтиш керакки, бу тажриба ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмади. Гап шундаки, Андижон вилояти, хусусан, Булоқбоши туманида аҳоли зичлиги туфайли ҳар бир қарич ер ҳисобли. Бўш жойнинг ўзи йўқ. Ҳатто уй соҳиблари хонадонларнинг кўча қисмида тоқ етиштиради. Шундай шароитда узумчиликни қандай ривожлантириш мумкин?

Туман мутасаддилари бу борада мавжуд экин еридаги тоқзорларни кенгайтирмаган ҳолда, маҳаллалардаги ички кўчаларга сўри тоқ қуриш орқали бунга эришиш мумкинлигини қайд этдилар. Шу туфайли узумчилик ривож топиб, аҳоли даромади ортиши кўзда тутилди. Лойиҳани амалга ошириш учун дастлаб тажриба сифатида «Учкўча» маҳалласидаги айрим кўчаларга қўшимча сўри тоқлар қуриб берилди. Тажриба давомида маҳалланинг Фароғат кўчасидаги узум етиштирувчи

21 та хонадонга 138 миллион сўм, яъни ҳар бир хонадонга ўртача 6-7 миллион сўмдан кредит ажратилиб, кўчаларга сўри тоқлар қуриб берилиши ҳисобига ҳар бир хонадондан қўшимча яна 1-1,5 тонна узум етиштиришга эришилди. Умуман, мазкур кўчадаги 200 метр сўри тоқда парваришланган узумдан 30 тоннадан зиёд ҳосил олинади. Шунга яраша ҳар бир оила йилига ўртача 10 миллион сўмдан 45 миллион сўмгача даромад топади.

— Хонадонимизда узум етиштириш авлоддан авлодга ўтиб келаётган анъана, — дейди Фароғат кўчасида яшовчи томорқа ер эгаси Авазбек Тешабоев. — Болалигимдан отамнинг ёнида туриб узум парвариши билан боғлиқ юмушларни пухта ўрганганман. Ҳозирда томорқамиздаги 8 сотих майдонда узум етиштирамиз. Кўчамизга ҳам сўри тоқ қилинди. Умуман, узум парваришида ҳар бир тадбирни ўз вақтида, сифатли бажариш жуда муҳим, қолаверса, кўчатларга доимо қаров керак. Маҳалламиздаги 480 хонадоннинг барчасида узум етиштирилади. Бу борада ўзига хос тажриба шаклланган, хонадон соҳиблари узум етиштириш ишининг етук мутахассисига айланган.

Мирзакалон Исмоилий номидаги маҳалла кўчаларида сўри тоқлар қурилиб, тоқзорлар барпо этилган. Шу пайтгача ҳар бир оила узумчиликнинг ўзидан ўртача 8-10 миллион сўм даромад олаётган бўлса, янги тажриба асосида бу кўрсаткич 15 миллион сўмдан ортди. Мисол учун, шу кўчада яшовчи Козимжон Мусаевнинг ҳовлисидаги тоқзорнинг ўзи 6 сотихдан иборат. Ишдан ажралмаган ҳолда йилига 6-7 миллион сўм

даромад топган миришкор кўчасида барпо этилган сўри тоқ ҳисобига қўшимча 4-5 миллион сўм соф фойда олиб келмоқда.

Узумчиликка ихтисослашган маҳаллалар юқоридагилар билан кифояланиб қолмоқчи эмас. Бу ерда етиштирилган узумни шу жойнинг ўзида сотиш услуби кенг жорий этиляпти. Эндиликда харидор маҳаллани ўзида улгуржи савдо қилади. Қолаверса, иссиқхонада узум етиштириш лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. Бу даромадни кескин орттириш ва узумни узоқ муддат сақлаш имкони беради. Қолаверса, тоқзорлар остида лола гулини етиштириш тажрибадан ўтказилляпти. Зеро, олиб борилган синов даврида аҳоли 1 сотих ерда парваришланган лоладан 6-7 миллион сўмгача даромад топди.

Халқимиз азалдан «етти хазина» деганда, сигир, товуқ, асалари, ипак қурти, обжувоз (мойжувоз), тегирмон ва ўрмонни назарда тутган. Ҳозирги кунда эса бу ҳақда гап борганда, зироатчилик, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик, қуёнчилик ва пиллачилик тилга олинади. Аслида ҳар икки ҳолатда ҳам ҳеч бир янглиш йўқ, уларнинг битмас-туганмас хазина дейилиши, ўз-ўзидан кўпайишга мойиллиги билан изоҳланади.

Узумчилик зироатчиликнинг таркибий қисмлари сирасига кирса-да, бу тармоқ айна кунда «саккизинчи хазина» сифатида иқтисодиётимизда муқим ўрин эгаллаб борапти, юрт маъмуриликка хизмат қилляпти. Маъмурилик эса эл дастурхонини тўқин, соҳибкорлар меҳнатини манфаатли ва ғурурини сарбанд қилади.

Иброҳим ПЎЛАТОВ.



«Аҳил»ликлар аҳилликда намуна

МАҲАЛЛАДА ЯШОВЧИ ОДДИЙ ОДАМЛАР КЎЗИДАН ШУНИ СЕЗИШ МУМКИНКИ, УЛАР БУГУН ҲАЁТДАН МАМНУН. ЎЗГАРИШЛАРДАН, ЙИГИНДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН БУНЁДКОРЛИКЛАРДАН ХУРСАНД. ЭРТАНГИ КУНИГА, ЯШАШГА БЎЛГАН ИНТИЛИШИ КУЧАЙИБ БОРЯПТИ

Бугун ободлик кириб бормаган маҳалла қолмади. Жумладан, «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари доирасида амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳудудлар ўзгача қиёфа касб этмоқда. Янгийўл туманидаги «Аҳил» маҳалла фуқаролар йиғини бундай ўзгаришлардан четда қолгани йўқ. Маҳаллада бугун нафақат катта ўзгаришлар бўлди, балки ҳудуддаги ишсизлар бандлиги таъминланиб, оиласи даромади ўсишига кўмаклашилмоқда.

Йиғинда 820 та хонадонда 3 200 нафар аҳоли истиқомат қилаётган бўлса, улардан, энг аввало, ижтимоий ҳимояга муҳтож, оғир шароитда яшаётганлар, ногиронлиги бор шахслар, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар ҳолидан хабар олиниб, ишсизлар, бекорчиликдан нима қилишини билмай турганлар муаммоларини ҳал қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Ахир ота-боболаримиз «Бекорчидан худо безор» деб бекорга айтишмаган. Бу борада олиб борилаётган ишларда маҳалла аҳли жонбозлик кўрсатиб, маҳалла раисига кўмакдош бўлмоқда.

— Утган йили маҳалламизда рўйхатга олинган ишсизларнинг 135 нафари доимий, қолганлари мавсумий фермер хўжалиқларига ишга жойлаштирилди, — дейди «Аҳил» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Дилрабо Исмоилова. — Маҳалладаги ёшу қари бирдек меҳнат қилиб, оиласи даромади ўсишига кўмаклашадди. Негадир одамларимиз бекор ўтиришни ёқтиришмайди. Ма-

салан, йиғинимиздаги 85 нафар фуқаро бизнинг кўмагимизни кутмасдан ўзини ўзи банд қилиб, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди, ҳақ тўланадиган жамоат ишларида ишлашмоқда.

Айтиш керакки, маҳаллада бугун ишсиз, бесамар юрган одамни учратмайсиз. Бу жараёнда ҳоким ёрдамчиси жим қараб тургани йўқ. Ишлаш истагида, тадбиркорлик билан шуғулланиш хоҳиши бўлган фуқароларга имтиёзли кредит маблағлари ажратилди. Бу маблағлар ҳисобига маҳаллада тикувчилик цехлари, новвойхона, сартарошхона, тамадди хоналар ташкил этилиб, эҳтиёжманд оилалар иш билан таъминланди. Шунингдек «Аёллар дафтари»га 66 нафар эҳтиёжманд хотин-қиз киритилиб, уларнинг 58 нафарига бир марталик моддий ёрдам кўрсатилди. Боқувчисини йўқотган, ногиронлиги бўлган 3 нафар фуқаронинг уйлари маҳалла раиси ташаббуси билан таъмирланиб берилди.

— Тадбиркорлик қилиш истагида бўлган, оилавий тадбир-

корлигини ривожлантирмоқчи бўлган 15 нафар фуқарога жами 498,9 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит олишларига кўмаклашдик, — дейди ҳоким ёрдамчиси Раҳим Раҳмонқулов. — 6 нафар хотин-қиз тикувчилик қилишлари, оиласи даромадини оширишлари учун аввал тикувчилик курсларида ўқитилиб, субсидия асосида тикув машиналари олиб берилди. «Ёшлар дафтари»даги икки нафар ёшнинг ҳарбий хизмат пуллари тўлаб берилди. Моддий томонлама қийналиб, рўзғоридан орттириб, фарзандининг контрактини тўлашга қийналиб юрган 4 нафар оиланинг фарзандларига олийгоҳлар маъмурияти билан келишган ҳолда контракт пуллари тўлаб берилди.

Бундан ташқари, йиғинда маҳалла инфратузилмасини яхшилашга катта эътибор қаратилляпти. Жумладан, ҳудуддан ўтган темир йўл ёқаларига «Яшил макон» дастури доирасида ҳомийлар жалб қилинган ҳолда, 2 250 туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экил-

ди. Шунингдек, ҳудуддаги эски трансформатор кучланиш жиҳатдан аҳолини тўла қувват билан таъминлай оладиган янгисига алмаштирилди. Авваллари тунда одамлар маҳалла кўчаларидан юришга қийналган бўлса, энди бемалол ҳаракатлана олишади. Сабаби йиғин кўчаларидаги симёғочларга замонавий электр энергиясини тежовчи ёритиш чироқлари ўрнатилди. Йиғинда истиқомат қилувчи одамларнинг саломатлигини ўйлаган ҳолда Самарқанд ва Фан кўчаларида 1,4 км. масофада саломатлик йўлакчалари қуриб, фойдаланишга топширилди.

Умуман олганда, маҳаллада яшовчи оддий одамлар кўзидан шуни сезиш мумкинки, улар бугун ҳаётдан мамнун. Ўзгаришлардан, йиғинда амалга оширилаётган бунёдкорликлардан хурсанд. Бир сўз билан айтганда, «Аҳил» маҳалласи кундан-кунга кўркамлашмоқда. Одамларнинг эртанги кунига, яшашга бўлган интилиши кучайиб борапти.

Мансурбек ЖАББОРОВ.

МАҲАЛЛАДАНИМАГАН?

Шоир, шеър ва шуур

Шайхонтоҳур туманидаги «Коҳ ота» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда жойлашган 10-умумтаълим мактабида Мир Алишер Навоий таваллудининг 582 йиллиги муносабати билан «Ғазал мулкининг султони» деб номланган очик дарс ўтказилди.

Ўзбек тили фани ўқитувчиси Дилдора Дурдиева томонидан тайёрланган очик дарсда кўзатувчилар — директор ўринбосари Малика Аъзамова, маънавий-маърифий ишлар бўлими бошлиғи Севара Қурбонова, ўзбек тили фани ўқитувчилари Дилрабо Қўлдошева, Холида Қўчқорова ҳамда мусиқа ўқитувчиси Бахтиёр Тоировлар иштирок этди.


Очик дарсда А.Навоий ҳаёти ва ижоди ҳақида ўқувчилар томонидан саҳналаштирилган кўринишдан сўнг Д.Дурдиева Навоий бобомиз ёзган беш дostonдан иборат «Ҳамса» асари ҳақида маълумот берди. Айниқ-

са, «Ҳайрат ул-аброр» достони асосида тарбиявий аҳамиятга эга бўлган «Шеър ва дуррож» ҳикояси талқинида намойиш этилган мультфильм ёлгон сўзлашнинг ёмон оқибатлари, ҳаётда доимо рост сўзлаш, дўстларга хиёнат қилмасликни тарғиб қилувчи асар сифатида ўқувчилар қалбида чуқур из қолдирди.

Очик дарсда ўқувчилар томонидан ижро этилган шеърлар, рубоий ва ғазаллар ўзбек адабиёти хазинасига беқиёс ҳиссасини қўшган Навоий бобо руҳини шод айлагани шубҳасиз.

Марям АҲМЕДОВА,
журналист.





МАҲАЛЛАДАГИ

МУАММОЛАРНИ

ТЕЗРОҚ
ҲАЛ ЭТИШ
ИМКОНИ БОР

Тўғриси айтиш керак, шу пайтгача амалга киритилган интерактив, онлайн лойиҳалар, порталларнинг ҳеч бири «Очиқ бюджет» портали, айниқса, унинг «Ташаббусли бюджет» бўлими сингари оммалашгани йўқ. Лойиҳани аҳоли катта қизиқиш билан қарши олди. Кўпчилик у орқали маҳаллий муаммоларни ҳал этиш ҳаракатига тушди. Одамларнинг ўз солиқларини ўзлари тақсимлашдаги фаоллиги Президент Шавкат Мирзиёевни беэтибор қолдирмади. Давлат раҳбари топшириғи билан бу йил фуқаролар ташаббусларига 3,5 баробар кўп — 8 триллион сўм маблағ ажратилмоқда.

ЛОЙИҲАДА 98 ФОИЗ
МАҲАЛЛА
ИШТИРОК ЭТДИ

Айтиш керакки, 2021 йилда эксперимент тариқасида бошланган «Ташаббусли бюджет» икки йил ичида йирик лойиҳага айланди. Лойиҳа парламент қилмаган ишни қилди — фуқаролар ўз солиқларини ўзлари хоҳлагандек ишлатишда бевосита иштирок эта бошлашди. Жараён бир йилда икки марта, уч босқичда амалга оширилди.

Мисол учун, 2022 йилда биринчи мавсумда 69 700 та, иккинчи мавсумда 61 000 та таклиф тушди. Лойиҳа оммалашиб, таклиф бермаган маҳалла қолмади ҳисоб: «Ташаббусли бюджет»даги ташаббуслар **Ўзбекистондаги маҳаллаларнинг 98 фоизини** қамраб олди.

Энг муҳими, овоз тўплаш жараёни қизғин кечганини таъкидлаш лозим. Фаол ва ўз ҳудудига бефарқ бўлмаган фидойи инсонлар ҳар бир ташаббус бўйича алоҳида режалар

ишлаб чиқишди, турли тактика ва стратегиялар қўллашди. Жойларда тарғиботнинг турлича усуллари қўлланди. Маҳалла раислари уйма-уй юриб ишладди. Жойларда фуқаролар ўз лойиҳаларини фаол ташвиқот қилди, бунда ташвиқотнинг қонун билан тақиқланмаган турли йўлларидан фойдаланилди.

Умуман олганда, ҳар бир ўзбекистонлик бирдамлик билан бюджетни тақсимлаш жараёнида қатнашди. Бюджет пуллари халқники эканини танасида ҳис қилишди ва бу пуллари сарфлашда бевосита иштирок этишди. **Жараёнда энг долзарб, энг муҳим, деб ҳисобланган лойиҳалар қўллаб-қувватланди.** Айтиш мумкинки, «Ташаббусли бюджет» ўзбек халқининг салоҳиятини кўрсатиб берди. Бу — халқимиз давлат пуллари қандай ишлатилишига бефарқ бўлмадлиги, бюджетдан қандай фойдаланилиши бўйича жамоатчилик

назорати ўрнатишни ўргана бошлаганидан далолат бўлди.

8 ТРИЛЛИОН СЎМ ҚАНДАЙ
ТАҚСИМЛАНАДИ?

Айтиш керакки, халқимизнинг лойиҳадаги ўзига хос фаоллиги, жонқуярлиги давлат раҳбари, ҳукуматни беэтибор қолдирмади. 2023 йилда фуқаролар танлаган лойиҳалар учун ўтган йилгидан 3,5 баробар кўп — 8 триллион сўм маблағ ажратилади. «Ташаббусли бюджет» ва «Менинг йўлим» дастурларидан ташқари, «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурларига нисбатан кўпчиликни ҳам эндиликда фуқароларнинг ўзлари ҳал қилади.

Лойиҳанинг жорий йилги биринчи мавсумига 6 февраль санасидан старт берилди. Фуқаролар 26 февралга қадар ташаббус қолдириши мумкин. Шундан сўнг 18 мартга қадар ишчи гуруҳ ташаббусларни қўриб чиқади. Овоз бериш жараёни 18 мартдан 7 апрелга қадар давом этади.

Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг маълумот беришича, 2023 йилги туман ва шаҳар бюджетларида «Ташаббусли бюджет» учун жами 2,0 триллион сўм маблағ ажратиш кўзда тутилган бўлиб, шундан 1 триллион сўми биринчи мавсум учун йўналтирилади.

Бундан ташқари, 2023 йил бошига маҳаллий бюджетларда шаклланган эркин қолдиқ маблағларининг 30 фоизи маҳаллий ҳокимликлар томонидан фуқаролар ташаббуси жамғармасига йўналтирилади. Дастлабки ҳисоб китобларга кўра, бу жараёнда биринчи мавсум учун жами 1,7 триллион сўм маблағ шаклланиши ва ушбу маблағларнинг овоз бериш жараёни бошлангунига

қадар Фуқаролар ташаббуси жамғармаларига йўналтирилиши кўзда тутилмоқда. 2023 йил 9 февраль ҳолатига жамғармаларда 899 миллиард сўм маблағ шаклланган.

Умуман олганда жамоатчилик томонидан билдирилган таклифларни молиялаштириш учун 2023 йилда бюджетдан жами **8 триллион сўм** маблағ йўналтирилиши мўлжалланган. Шундан:

✓ **2 триллион сўм** — «Ташаббусли бюджет» жараёнлари учун туман ва шаҳар бюджетларида режалаштирилган;

✓ **320 миллиард сўм** — «Менинг йўлим» лойиҳаси доирасида туман ва шаҳар бюджетларида назарда тутилган;

✓ **4 триллион сўм** — «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурларини жамоатчилик фикри асосида шакллантириш учун кўзда тутилган;

✓ **1,7 триллион сўм** — маҳаллий бюджетлар қўшимча манбаларининг 30 фоизи ҳисобига Фуқаролар ташаббуси жамғармаларига йўналтирилиши прогнози қилинган.

Умуман олганда, «Ташаббусли бюджет» одамларни бирлаштирди, бирдамлик пайдо бўлди. Улар нафақат ўз ҳудуди, балки бошқа шаҳар, вилоятдаги жараёнларга ҳам бефарқ бўлмапти. Инсонларда бу бизнинг пулимиз, уни срафлашда иштирок этишга ҳақлимиз, деган тушунча шаклланди. Энг муҳими, умумий қабул қилинган «қоида»га қарши ўлароқ, инсонлар овоз бермоқда, жараёнда қатнашмоқда.

Сиз ҳам фаол бўлинг, азиз маҳалладош!

Санжар ИСМАТОВ.

САЛОМАТЛИК

Юракни асрай десангиз, чекманг!

Саломатлик — бебаҳо неъмат. Аммо айрим ҳолларда унинг қадрига етмаймиз, ўзимиз умримизга зомин бўламиз. Ҳеч шубҳасиз, чекиш инсон саломатлигига жиддий хавф солувчи иллат ҳисобланади.

Айниқса, тамаки тутуни юрак-қон томир тизими фаолиятига салбий таъсир этади. Таркибидаги никотин нафас марказини қўзғатади, буйрак усти безлари функциясини стимуллашди. Натижада қонга кўп миқдорда адреналин ва норадреналин ажралиб чиқади. Бу эса, ўз навбатида, юрак қисқариш сони ва артериал қон босимини оширади, юрак катта юклама билан ишлайди, кўпроқ кислород талаб қилади. Тамаки тутуни таркибидаги углерод монооксидининг гемоглобин билан боғланиш қобилияти кислородга нисбатан 200 марта кўп бўлгани сабабли қондаги кислород ўрнини эгаллаб, унинг концентрациясини камайтиради, кислород ташилиш қобилиятини пасайтиради. Бу эса организмнинг ҳамма тўқималар функциясига таъсир қилади.

Ёш, соғлом одамларда чекишнинг таъсири

ўрганилганда, ҳар бир чекилган сигаретдан сўнг юрак мушаги тезлашган маромда ишлаши, миокард қисқариш тезлиги ошиши ва ҳар хил интенсивликдаги жисмоний зўриқишлардан сўнг юрак зарб ҳажми камайиши аниқланган.

Чекувчиларнинг юрак ишимек касалликларига йўлиқиш хавфи чекмайдиганларга нисбатан 1,2-2 марта юқори. Ҳар хил популяцияларда ўтказилган эпидемиологик текширувларга асосан, миокард инфаркти (такрорий миокард инфаркти ҳам) хавфи кунига чекилган сигарет миқдори билан бирга ошади. Кунига бир қути сигарет ёки папирос чекадиган инсон бутун умри давомида ўз организмга 2 кг. атрофида никотин киритади. Бу миқдор бир вақтда юборилганда 20 000 кишини ўлдириш учун етарли экан.



Келтирилган маълумотлар шуни кўрсатадики, чекиш инсон организмга, айниқса, юрак-қон томир тизимига ниҳоятда катта зарар етказиши. Шу сабабли чекишдан халос бўлиб, Сиз ўз умрингизга бир неча соғлом, самарали кунларни қўшасиз. Энг муҳими, ҳаётингиз давомийлигини таъминлайсиз.

Мавжуда ТОҒАЕВА,
Тошкент тиббиёт академияси
шифокори.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар
агентлиги томонидан
2019 йил 24 сентябрда
0019 рақами билан давлат
рўйхатидан ўтказилган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОВ

Ижодий гуруҳ:
Санжар ИСМАТОВ,
Хайрулло АБДУРАҲМОМОВ

Дизайнер:
Абдулазиз АҲМЕДОВ

Mahalla

Ижтимоий-сиёсий, маънавий-
маърифий газета

МУАССИС:
«Mahalla» nashriyot-matbaa uyī» МЧЖ

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Мустақиллик
шоҳ кўчаси, 59-уй.
Индекс: 100192
Телефонлар:
Қабулхона: 71 233-39-89,
Обуна бўлими: 71 233-10-92.
Баҳоси келишиланг нарҳда.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри
Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Ўлчам — А3, 4 босма табоқ.
8 510 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-218
Газета таҳририят компьютер марказида
саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

